

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ
ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ
ҚЎМИТАСИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Ҳимояга руҳсат
Кафедра мудири
п.ф.н., доцент Б.И. Ғаниева

2014 й. «___» _____

УСМОН НОСИР АСАРЛАРИНИНГ ТЎЛИҚ МАТНЛИ

МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ ЯРАТИШ

(Танланган асарлари асосида) мавзусида

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Битирувчи	_____	Файзиева К.Ф.
	ИМЗО	
Раҳбар	_____	Бердиева З.Ш.
	ИМЗО	
Тақризчи	_____	Маннонов Б.
	ИМЗО	
ҲФҲ	_____	Турсунова А.А.
	ИМЗО	
бўйича маслаҳатчиси		

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Ахборот коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими факультети
Ахборот-кутубхона тизимлари кафедраси
5320200- “Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик” йўналиши

ТАСДИҚЛАЙМАН

Кафедра мудири _____

2014 йил « ____ » _____

Битирувчи Файзиева Камоланинг “Усмон Носир асарларининг тўлиқ матнли
маълумотлар базасини яратиш”
(Танланган асарлари асосида)
мавзуидаги битирув малакавий ишига

Т О П Ш И Р И Қ

1. Мавзу университетнинг 2014 йил «25» февралдаги № 148-20–сонли буйруқ билан тасдиқланган.
2. Ишни ҳимояга топшириш муддати «25» май 2014 й.
3. Ишга оид дастлабки маълумотлар:
Мавзу олинди, режалар тузилди, Усмон Носир асарлари таҳлили қилинди, электрон каталог маълумотлар базаси яратилди, маълумотлар базасини яратишда қўлланиладиган асосий дастурлар ўрганилди.
4. Ҳисоблаш–тушунтириш ёзмалар мазмуни (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати):
Асарларнинг электрон каталоги маълумотлар базасини шакллантиришда киритиш ва қидириш алгоритми, маълумотлар базасини шакллантиришнинг функционал ва ташкилий структураси ишлаб чиқилди.
5. График материаллар рўйхати:
Схемалар, расмлар, блок-схемалар, скриншотлар, матнларда блок схемаларнинг берилиши.
6. Топшириқ берилган сана « ____ » « ____ » 2014 й.

Раҳбар _____

ИМЗО

Топшириқ олдим _____

ИМЗО

7. Ишнинг айрим бўлимлари бўйича маслаҳатчилар:

Бўлим номи	Маслаҳатчи	Имзо, сана	
		Топширик берилди	Топширик олинди
1. Усмон Носир асарларининг электрон каталоги маълумотлар базасини яратишда қўлланиладиган асосий дастурлар.	Арзиқулов С.	28.02.2014	28.02.2014
2. Усмон Носир асарларининг электрон каталоги маълумотлар базасини шакллантиришда киритиш ва қидириш алгоритми.	Бердиева З.	15.03.2014	15.03.2014
3. Усмон Носир асарларининг электрон каталоги маълумотлар базасини шакллантиришнинг функционал ва ташкилий структураси.	Бердиева З. Арзиқулов С.	20.05.2014	20.05.2014
4. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.	Турсунова А.А.	23.05.2014	23.05.2014

8. Ишни бажариш графиги

Т/р	Иш бўлимлари номи	Бажариш муддати	Раҳбар (маслаҳатчи) имзоси
1.	Асарларнинг электрон каталоги маълумотлар базасини шакллантиришда автоматлаштирилган тизимларнинг таҳлили.	28.02.2014	
2.	Усмон Носир асарларининг электрон каталоги маълумотлар базасини шакллантиришнинг функционал ва ташкилий структуралари.	29.03.2014	
3.	Усмон Носир асарларининг электрон каталоги маълумотлар базасини яратиш.	30.04.2014	
4.	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.	23.05.2014	

Битирувчи _____

ИМЗО

Раҳбар _____

ИМЗО

20__йил «____»_____

20__йил «____»_____

Битирув малакавий иши атоқли шоир Усмон Носир асарларининг электрон кутубхонасини яратишга бағишланган. Битирув малакавий иш доирасида Усмон Носир асарлари “АРМАТ” электрон кутубхонасига тўла матни билан жойлаштирилган.

Мазкур малакавий ишда мавжуд бўлган электрон кутубхоналар ва уларнинг халқаро форматлари таҳлил қилинди.

АРМАТ дастури маълумотлар базасининг функционал ва ташкилий структураси кўрсатилди ҳамда дастурда тўлиқ матнли маълумотлар базаси алгоритми ишлаб чиқилди.

Данная выпускная квалификационная работа посвящена созданию электронной библиотеки произведений знаменитого поэта Усмана Насыра. При выполнении выпускной квалификационной работы, произведения Усмана Насыра размещены в электронную библиотеку «Армат» полным текстом.

В данной выпускной работе также проведен анализ существующих электронных библиотек и их международных форматов.

Показаны функциональные структуры и базы данных программы «Армат» и разработан алгоритм поиска в базе данных полных текстов.

This Graduate work is devoted to the creation of an electronic library of works of the famous poet Usman Nasir. When the execution of final qualifying work that serves the electronic library "Armat" works Usman Nasir full text.

In this final work is also carried out an analysis of existing digital libraries and their international format.

Shows the functional form and structure of the database program "Armat" and developed an algorithm for full-text data base.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	6
1-БОБ. АСАРЛАРНИНГ ЭЛЕКТРОН КАТАЛОГИ МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ	10
1.1. Усмон Носир асарларининг таҳлили.....	10
1.2. Усмон Носир асарларининг электрон каталоги маълумотлар базасини яратишда қўлланиладиган асосий дастурлар.....	14
Боб бўйича хулоса.....	39
2-БОБ. УСМОН НОСИР АСАРЛАРНИНГ ЭЛЕКТРОН КАТАЛОГИ МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ВА ТАШКИЛИЙ СТРУКТУРАЛАРИ	40
2.1. Усмон Носир асарларининг электрон каталоги маълумотлар базасини шакллантиришда киритиш ва қидириш алгоритми.....	40
2.2. Усмон Носир асарларининг электрон каталоги маълумотлар базасини шакллантиришнинг функционал ва ташкилий структураси.....	43
Боб бўйича хулоса.....	48
3-БОБ. УСМОН НОСИР АСАРЛАРНИНГ ЭЛЕКТРОН КАТАЛОГИ МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ ЯРАТИШ	49
3.1. Дастурни ишга тушириш ва ундан фойдаланиш.....	49
3.2. Электрон каталог маълумотлар базасини яратиш.....	51
3.3. Фойдаланувчилар учун қўлланма.....	61
Боб бўйича хулоса.....	66
4-БОБ.ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ	67
4.1. Иш жойини ташкил этишга талаблар.....	67
4.2. Фавқулодда вазиятлар.....	72
ХУЛОСА	79
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	81

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Қонунида ахборот кутубхона муасасалари олдида электрон каталог, электрон кутубхона, йиғма электрон каталог яратиш каби бир қатор янги вазифалар қўйилганки, уларни бажариш учун ахборот кутубхона муасасаларида автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимларини жорий қилиш талаб қилинади. Бугун ҳаётимизга замонавий технологияларга монанд равишда янги-янги номлар ҳам шиддат билан кириб келмоқда. Улар билан биргаликда электрон кутубхона номи ҳам кирди. Электрон кутубхона— одатдаги кутубхонанинг интернетдаги электрон шакли. Бу кутубхона фонди улканлиги ва узлуксиз сифатли хизмат кўрсатиши билан афзал. Зарур китоб ё мақолани бир зумда топиш мумкин. Электрон кутубхона дунёнинг исталган кутубхонасидаги электрон адабиётларга кириш имконини беради. Унинг аксарият адабиётларидан бепул фойдаланиш мумкин. Фақат баъзи кутубхоналар қисман ёки тўлиқ пуллик хизмат кўрсатади. Электрон кутубхона жараёнлари: ахборотларни йиғиш, ишлов бериш, сақлаш, қидириш ва истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнларига замонавий телекоммуникация каналлари ёрдамида электрон технологияларни қўллаш самарали натижалар бермоқда.

XX аср охирларидаги «ахборот революцияси» кутубхоналар фаолиятига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Бу таъсир натижасида кутубхоналар борган сари замонавий ахборот технологиялари билан таъминланган ҳолда ахборот ресурслари марказларига айланиб бормоқда. Кутубхоналарда хизмат кўрсатиш турлари кенгайди: Интернет тармоғидан фойдаланиш, ахборот-аналитик материаллар тўплаб бериш, кутубхона каталогларининг электрон кўриниши ва тўлиқ матнли хужжатларга эга маълумотлар базаси шулар жумласидандир.

Ушбу электрон кутубхона яратиш масаласига республикамизда ҳам катта эътибор берилаётганлиги ниҳоятда қувончлидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июнь ПҚ-381-сонли “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори масалага берилган катта эътиборнинг далилидир.

Қарорда кутубхоналарни таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари ҳузурида ташкил этиладиган ахборот-ресурс марказларига ўтказиш, уларнинг вазифалари этиб, таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда аҳолини ахборот-ресурслари ва технологияларидан фойдаланиб, мунтазам ва мустақил таълим олишларига кўмаклашиш, ахборот-кутубхона хизмати ва жаҳон илмий-таълим ахборот-ресурсларидан фойдаланиш, электрон каталог ёрдамида ахборот-ресурсларини бирлаштирувчи электрон кутубхоналар ва маълумот базаларини яратиш, жойларда ахборотлаштириш ва кутубхоначилик иши соҳасидаги ахборот-ресурс марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ташкилий - услубий жиҳатдан таъминлаш кўрсатилган.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Қонунида ахборот кутубхона муассасалари олдига электрон каталог, электрон кутубхона, йиғма электрон каталог яратиш каби бир қатор янги вазифалар қўйилганки, уларни бажариш учун ахборот кутубхона муассасаларида автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимларини жорий қилиш талаб қилинади. Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимлари имкониятларини ўрганиш, каталоглаштириш ва тизимдан фойдаланиш бўйича ютуқларни ўзлаштириш ҳамда ахборот кутубхона муассасаларида жорий қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш соҳада ўз ечимини кутаётган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Ушбу ишнинг мақсади автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимида Усмон Носир “асарлари”нинг тўлиқ матнли маълумотлар базасини шакллантиришни тўлиқ

ўрганиб чиққан ҳолда, шоирнинг “асарлари”ни каталоглаштириш учун таклиф ва тавсиялари ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объекти автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизими ARMAT-U, тадқиқот предмети эса, электрон библиографик ресурслар, йиғма электрон каталогни шакллантириш жараёнини ўрганиш ва такомиллаштиришдир.

Тадқиқот услубияти ва услуби. БМИни ёзишда Ўзбекистон Республикаси Қонунларидан, Вазирлар Маҳкамаси қарорларидан, Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов асарларидан, юртимиздаги ва хориждаги олимлар ва мутахассислар китобларидан ҳамда Интернет ресурсларидан кенг фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва тадбиқи. БМИда Корпоратив АРМларининг автоматлаштирилган тизимида шоир Усмон Носир “асарлари”нинг тўлиқ матнли маълумотлар базасини шакллантиришни ўрганган ҳолда каталоглаштиришни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар кўрсатилган. БМИдаги тадқиқотларни ахборот-кутубхона муассасалари, кутубхоналар фаолияти, корпоратив тармоқнинг самарадорлигини оширишга таъбиқ қилиш мумкин.

Ишнинг тузилиши ва таркиби. Мазкур битирув малакавий иш кириш қисми, 4 та боб, фойдаланувчилар учун қўлланма, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув малакавий ишнинг биринчи бобида Усмон Носир асарларининг таҳлили, асарларнинг электрон каталоги маълумотлар базасини яратишда қўлланиладиган асосий дастурлар ҳамда маълумотлар базасини шакллантиришда автоматлаштирилган тизимларнинг таҳлили ҳақида кўрсатиб ўтилган.

Иккинчи бобда тўлиқ матнли электрон каталоги маълумотлар базасини шакллантиришнинг функционал ва ташкилий тузилмалари ҳамда тўлиқ матн киритиш алгоритми, блок схема кўринишлари акс этган. Ушбу тузилмалар

фойдаланувчиларга ишни қандай бошланганлигини ва бўлимларни жойлашувини кўриши мумкин.

Учинчи бобда Усмон Носир асарларининг электрон каталоги маълумотлар базасини яратишда АРМАТ дастурини ишга тушириш ва ундан фойдаланиш, электрон каталог маълумотлар базасини яратиш ҳақида ва фойдаланувчилар учун қўлланма кўрсатиб ўтилган.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари. Илмий тадқиқот натижаларига кўра электрон каталоглаштиришда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- Тизим маълумотномаларини созлаш, тўлдиришга;
- Каталоглаштиришда ўзига хосликларнинг мавжудлигига;
- Усмон Носир асарлари электрон каталогининг функционал ҳамда ташкилий тузилмасига.

1-БОБ. УСМОН НОСИР АСАРЛАРИНИНГ ЭЛЕКТРОН КАТАЛОГИ МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ.

1.1. Усмон Носир асарларининг таҳлили.

XX аср мамлакатимиз ва халқимиз тарихидаги ўзига хос босқич сифатида турли воқеаларга бой ва мураккаб давр бўлди. Бу давр ижтимоий-маънавий таракқиётида силжишлар, юксалишлар ва таназзул ҳамда даҳшатлар ҳам рўй берди. Бу ҳолни бадиий адабиёт ва унинг намояндалари тақдирида ҳам кўрамиз. Хусусан, шўро даври мафкураси адабиётни сиёсат куролига айлантиришга уринган бўлса ҳам унинг ривожини тўхтата олмади, тўхтата олмас ҳам эди. Аммо бадиий ижод ва ижод аҳли қисматида катта жароҳатлар, йўқотишлар қолдирди. 30-50-йилларда "қатағон" номи билан аталган жараён шуларнинг юқори чўққиси бўлди. Улар жараёнда халқимизнинг асл фарзандлари, элга садоқатли зиёлилари, ижодкорлари туҳмат ва жоҳилликнинг қурбони бўлишди. Булар орасида севимли шоир, фидойи инсон, элнинг атоқли ва ардоқли ижодкори, шоир Усмон Носир ҳам бор эди.

Усмон Носир ўзининг бадиий ижоди билан ғавқулодда истеъдоднинг, шахсий ҳаёти билан жисмоний ва маънавий жасоратнинг тимсолига айланди. Зеро, 25–30-ёшларида, йигитлик палласида бадиий ижоднинг бетакрор ва оҳорли намуналарини яратиш ва тутқунлик азобларини метиндай ирода, чидам билан енгиш камдан-кам ижодкорга насиб этади. 30-йиллар ўзбек лирик ва эпик шеърятини, назмий таржима намуналарини Усмон Носир ижодисиз тасаввур қилиш мушкул.

Усмон Носир Аллоҳ ато қилган илоҳий неъмат, туғма шоир, ижодни ўзининг сермахсул меҳнати билан уйғунлаштира олган иқтидор соҳиби эди. Бу иқтидорга ҳам ҳавас, ҳам ҳасад билан қаровчилар бўлгани маълум.

Афсуски, ҳасад душманликка, ёвузликка айланди, ижод ва ҳаётда эндигина балоғат палласига етаётган дилбар инсон, ўз умрини шеър умрига тенг қилган шоир маҳв этилди. Аммо ҳаёт ҳақиқати эгилмади: унинг умри шеърлари, дostonлари боқийлигида давом этмоқда.

Истеъдодли шоир Усмон Носир 1912 йил 13 ноябрда Қўқон шаҳрида хунараманд оиласида дунёга келди. Болалиги болалар уйида ўтган Усмон ўрта мактабни битиргач, 1931 йилдан бошлаб Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг Тил ва адабиёт факультетида Амин Умарий, Ҳасан Пўлатлар билан биргаликда таҳсил олди.

Усмон Носирнинг илк шеърлари университетда ўқиб юрган вақтларидаёқ матбуотда кўрина бошлаган эди. Натижада шоирнинг «Қуёш билан суҳбат» (1932), «Сафарбар сатрлар» (1932), «Тракторобод» (1934), «Юрак» (1935), «Меҳрим» (1936) каби шеърӣ тўпламлари, «Норбўта» ва «Нахшон» поэмалари ҳамда «Атлас» шеърӣ драмалари бирин-кетин нашр қилинди. Унинг «Норбўта» (1932) асарида Ўзбекистондаги фуқаролар уруши мавзуи, «Нахшон»да қардош арман халқи фарзандларининг озодлик учун интилишлари қуйланган бўлса, антик дунёдаги қулла қурашини акс эттирувчӣ «Нил ва Рим» каби поэтик асарлари тарих ва халқ мулки бўлиб қолди.

Усмон Носир шеърӣти, аввало, ҳаётӣлиги, қолаверса, жозибали ва исёнкорлиги, айнаи чоғда содда ва равонлиги билан тезда китобхон қалбидан чуқур жой эгаллайди. Шундан бўлса керак, шоир шеърлари ҳамон давраларда тез-тез ёддан айтилади:

Юрак, сенсан менинг созим,
Тилимни найга жўр этдинг,
Кўзимга ойни беркитдинг
Юрак, сенсан ишқибозим.
Сенга тор келди бу кўкрак.
Севинчим тошди қирғоқдан

Тилим чарчар, ажаб гоҳи
Сени таржима қилмоқдан.

Усмон Носирнинг таржима соҳасидаги хизмати ҳам бебаҳодир. Унинг таржимасида Пушкинининг «Боғчасарой фонтани» поэмаси, Лермонтовнинг «Демон» («Иблис») асари ўзбек китобхонларининг қалбига етиб борган.

Самимий, жўшқин, лирик истеъдод эгаси Усмон Носирнинг асарлари ҳамиша кишини ҳаяжонга солади. Усмон Носир катағонлик даврининг қурбонларидан бири сифатида ёш умрини шўро лагерларида азоб-уқубатда ўтказиб, тутқунликда 1944 йили вафот этган. Шоир номи ёшлик, кураш, гўзаллик куйчиси бўлиб, ўзбек халқи қалбида абадий яшайди. Ҳа, шоир ўзи айтганидек:

Минг йиллардан кейин ҳам
Унутма мени боғим.
Шеърларим янграб қолур...
Бир умрга ўлмайман,—
деганда ҳақ эди.

Маълумки, ноҳақ қамалиб, тухмат қурбони бўлган Усмон Носир оқлангач ҳам унинг пок номини, нуфузини тиклаш, реал ҳақиқатни холис баҳолаш, шоир жасоратининг зулматда кечган манзараларини тўла ёритиш осон кечмади.

Тўғри, шахсга сиғиниш оқибатлари фош қилингач, хусусан ўтган асрнинг 60-йиллари бошида матбуотда Усмон Носир ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги мақолалар кўриниб, асарлари чоп этила бошланди. Бунавбатдаги хайрли ишларнинг дебочаси бўлиб, кейинги даврларда давом этди. Бу соҳада проф.Н.Каримов, шунингдек, Ў.Рашид, А.Ражабий, Н. Рашидоваларнинг саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Муҳими шундаки, сўнгги даврда шоирнинг Сибирдаги ҳаётига оид анча маълумотлар тўпланди, адабиётшуносликда Усмон Носиршуносликнинг миқёси сезиларли даражада кенгайди, янги илмий изланишлар майдонга келди.

Ҳозирда Усмон Носир асарларнинг электрон кутубхонасини ташкил этиш долзарб масала бўлиб турибди. Усмон Носир электрон кутубхонаси орқали унинг асарларини бутун дунёга тарқалиши ва ўқувчи уни ҳоҳлаган вақтда, ҳоҳлаган жойда ўқиши мумкин бўлсин.

Қўйида Усмон Носир барҳаёт йиллари нашр этилган асарлар библиографиясидир:

1. Танланган асарлар /нашрга тайёрловчи: Охундий, Мирмуҳсин, Ў. Рашид. –Ўздавнашр, 1959. – 230 б.
2. Шеърлар /Тўпловчи Ўткир Рашид; Мухаррирлар: Уйғун, Зулфия, Рамиз Бобожон. – Тошкент: Тошкент, 1965.– 150 б.
3. Танланган асарлар: 2 томлик /Таҳрир ҳайъати: С. Шермуҳамедов, А. Мухтор, Мирмуҳсин ва бошқ .–Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти
Т.1. Шеърлар /Тўпловчи А. Ражабий.– 1969. –184б.
Т.2. Поэмалар, драма, таржималар /Тўпловчи А. Ражабий.-1970. –192 б.
4. Юрак: Шеърлар, дostonлар, драмалар, таржималар / Тўпловчи Н. Рашидова; Сўз боши муаллифи Ўткир Рашид. – Ғафур Ғулом ном. адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. – 280 б.
5. Унутмас мени боғим: Шеърлар, дostonлар ва шеърый драма /Сўз боши Э.Воҳидов. –Тошкент: Ғафур Ғулом ном. адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – 304 б.

Ушбу асарлар ҳозирда АРМАТ дастурида жойлаштирилган бўлиб, ундан ўқувчилар беминнат фойдалинишлари мумкин.

.

1.2. Асарларининг электрон каталоги маълумотлар базасини яратишда қўлланиладиган асосий дастурлар.

Ҳар қандай кутубхона ташкилот сифатида аниқ бир бўлимлардан иборат. Ҳар бир бўлим бажарадиган ишлар аввалдан белгилаб қўйилади. Бу ишларда кутубхонанинг бош мақсади – китобхонларга керакли адабиётларни бериш ва ахборот хизмати кўрсатишга йўналтирилгандир. Агарда бу ишлардан бири бажарилмаса ёки тўлиқ бажарилмаса, кутубхонада иш сифати пасайиб кетади, кутубхоначиларнинг фаолият кўрсатиши қийинлашади, китобхонлар эса керакли ахборотларни тезда ололмайдилар, зарур хизмат турларидан ҳам фойдалана олишмайди. Демак, кутубхона фаолиятининг самарадорлиги унинг таркибидаги бўлимларда ишнинг тўғри тақсимланишига боғлиқ экан.

Автоматлаштирилган кутубхона тизимларининг ривожини ахборот технологияларининг умумий ривожини ўзида тўлиқ акс эттиради. Компьютер бажарадиган иши ва таркибига кўра одатдаги кутубхонага жуда ўхшаб кетади. Компьютер технологиясида ишлатиладиган баъзи бир атамалар, масалан: «бошланғич модулар кутубхонаси, «каталог», «юкланадиган модулар кутубхонаси» ва бошқалар, шулар жумласидандир. Шахсий компьютер орқали истеъмолчига хизмат кўрсатиш жараёни, китобхонларга кутубхонада кўрсатилаётган хизмат жараёнига ўхшаб кетади. Каталогдан маълумотлар қидириш, маълумотларни сақлаш жараёни, каталоглаштириш параметрларини таснифлаш ва бошқа жараёнлар бири-бирига ўхшаш. Буларнинг хаммаси кутубхона жараёнларини формаллаштириш мумкинлигини кўрсатади, бу эса ўз навбатида кутубхонадаги асосий жараёнлар: маълумотларни йиғиш, сақлаш, ишлов бериш, қидириш ва узатишни тўлиқ автоматлаштириш демакдир. Кутубхоналарни автоматлаштириш усуллари жорий қилинмасдан аввал кутубхоналар фақат ўзларининг китобхонларига хизмат қилганлар. Аниқ бир

кутубхонага аъзо бўлган китобхон фақат шу кутубхона ахборот ресурсидан фойдалана олган, мазкур кутубхонада бўлмаган ахборот ресурсидан фақат «кутубхоналараро абонемент» орқали фойдаланиш мумкин бўлган. Аммо ҳар қандай нашрни ҳам «кутубхоналараро абонемент» орқали жўнатиш осон иш эмас. Нашрни бундай жўнатиш вақт ва маблағ талаб қиладиган иш. Китобхонларга хизмат кўрсатишда яна бир чеклаш бор эди, у ҳам бўлса кутубхоналар китобхонларга нашрларни фақат одатдаги ташувчиларда (масалан: китоб шаклида) беришлари мумкин эди. Кутубхоналарда компьютерлардан ва Интернетдан фойдаланиш янги имкониятларни берди. Бу эса ўз навбатида турли физик ташувчилардан (магнитли тасмалар, дисклар, CD-ROMлар ва бошқалар) фойдаланган ҳолда электрон ҳужжатларнинг кенг тарқалишига олиб келди. Бунда масофадан туриб ахборот олиш ва ахборот узатишнинг роли бекиёсдир. Китобхонларга хизмат кўрсатишнинг замонавий шакллари ўзлаштириб борган кутубхоналар ўз кучларини электрон ҳужжатлар ва Интернет ресурсларидан фойдаланишга йўналтирдилар. Бундай мақсадга эришиш учун бир қатор ҳуқуқий ва технологик масалаларни ечиш ва кутубхона иши концепциясини қайта кўриб чиқиш зарур эди. Натижада «Электрон кутубхона» атамаси пайдо бўлди. Электрон кутубхона яратувчиларга шу нарса аниқ бўлиб қолдики, мақсадга эришиш учун манфаатдор томонлар кучини бирлаштириш зарур экан. Натижада электрон кутубхоналар яратиш ишига дастлаб алоҳида ташкилотлар киришган бўлса, сўнгга бу иш миллий ва халқаро даражадаги ишга айланди.

Кутубхоналарни автоматлаштиришга дастлаб 60-йилларнинг ўрталаридан киришилди. Компьютерларни кутубхоналар ишига тадбиқ қилиш библиографик маълумотлар базаси ва кутубхона каталогларини яратишдан бошланди. Бу ишлар алоҳида катта ЭХМ лар асосида бажарилди. Машина ўқий оладиган (MARC) каталогларни ва ягона каталоглар тармоғини яратиш бўйича дастлабки натижалар олинди. 70-йилларда компьютерларни

алоқа каналлари орқали ягона тармоққа боғлаш имкони яратилди. Бу эса ўз навбатида бир компьютердаги библиографик маълумотлар базасидан иккинчи компьютер орқали фойдаланишга шароит яратди.

80-йилларда шахсий компьютерларнинг пайдо бўлиши билан кутубхона тизимларини яратиш ва уларни кенг тадбиқ қилиш объектив реаллик бўлиб қолди. 1967 йилда АҚШ даги Огайо штати коллежлари ва университетлари раҳбарларининг ташаббуси билан Огайо коллежлари кутубхона маркази –Ohio College Library Center (OCLC) ташкил қилинди.

Бундан мақсад- академик университетлар компьютер тизимларини ривожлантириб, библиографик ресурсларни ўзаро алмаштира олиш эди. OCLC нинг биринчи идораси Огайо Давлат университетининг Бош кутубхонасида ва биринчи компьютерлаштирилган зал мазкур университет тадқиқотлар марказида ташкил қилинди. OCLC ва унинг бошқа университетлар билан ҳамкорлиги тезда ривожланди. 1981 йилда корпорациянинг расмий номи OCLC- тўғри мурожаат қилувчи кутубхона маркази (OnlineComputerLibrariCenter. inc) деб ўзгартирилди.

Бугунги кунда OCLC 63 мамлакатдаги 23.000 кутубхонага хизмат қилади. Электрон кутубхона ғояси жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги университетлар ва йирик кутубхоналарда қандайдир шаклда тадбиқ қилинмоқда. Масалан, Японияда янги технологияларни тадбиқ қилиш Агентлиги, Парламент миллий кутубхонаси, бир қатор вазирликлар, 20 дан ортиқ кутубхона ва маданий марказлар ўз кучларини бирлаштириб «XXI аср кутубхонасини» яратишга киришганлар.

Бир неча йил аввал АҚШ конгресси кутубхонаси электрон кутубхона яратиш миллий дастурини амалга ошира бошлади. 1994 йилдан бошлаб АҚШда NSF, DARPA ва NASA ташаббуси билан DigitalLibrariesinitiative (DLI) электрон кутубхоналар бўйича тадқиқот дастури иш бошлади. Мазкур дастур ривожининг 2-босқичида 1998 йилдан бошлаб бу дастурлар ягона тармоқлараро дастурга бирлаштирилди. Бу дастурга миллий тиббиёт

кутубхонаси, АҚШ статистика агентлиги, Миллий гуманитар фонд, АқШ миллий архиви ва бошқа федерал агентлиги киритилди. 1995 йилдан бошлаб Буюк Британия миллий дастури- elib амалга оширилди. Бир қатор мамлакатлар (Канада, Германия ва бошқалар)да яратилган электрон кутубхоналар ҳақидаги турли тарқоқ лойихалар миллий ва халқаро лойихаларга айлана бошлади. Электрон кутубхоналар яратиш ва фойдаланиш бир қатор лойихалар (4-й Рамочнўй Программў Комиссии Европейских сообщей (КЕС)) дастури доирасида амалга оширилди. Бугунги кунда электрон кутубхоналар яратиш ва фойдаланиш «Информацион жамият технологиялари» дастури доирасида КЕС дастурига киритилган.

АҚШда 80- йилларда электрон кутубхоналар (ЭК) яратиш бўйича иш бошланган бўлса, бу ишга Буюк Британияда 90- йиллар бошларида киришилди. Одатда бундай ишлар лойихаларни амалга оширувчи кичик гуруҳлар томонидан бажарилиб, кейинчалик бу ишлар миллий дастурлар ва халқаро лойихалар даражасига кўтарилади.

Бунга мисол сифатида "катта еттилик" мамлакатлари томонидан яратиш мўлжалланаётган ЭК ни келтириш мумкин. Бу лойихада қатнашиш учун Россия ҳам таклиф этилган. АқШ даги "DLI", Буюк-Британиядаги "ELIB" лойихалари ҳам бунга мисол бўла олади. Японияда "XXI аср электрон кутубхоналари" лойихасини амалга ошириш бўйича ишлар бажарилмоқда. Германияда эса "CLOBAL-INFO"электрон кутубхона яратишга киришилган. Юқорида келтирилган лойихалар давлат томонидан етарлича молиявий таъминотга эгадир.

Бу мамлакатларда ЭК яратиш муаммоларини ечиш учун турли инвестициялар фаол жалб қилинмоқда, жумладан, турли фондлар, манфаатдор хусусий компаниялар, хайрия ташкилотлари, хусусий шахслар маблағлари бу ишга йўналтирилмоқда. Россияда ҳам ЭК яратиш бўйича тажрибалар бор.

1995 йилдан бошлаб электрон ресурслар ва уларнинг дастурий-техник таъминотини яратиш билан боғлиқ лойихалар (жумладан, Интернет орқали) амалга оширила бошланди. Бу лойихалар бир қатор давлат илмий-техник дастурлари томонидан қўллаб-қувватланди. Масалан, "Фан ва техника бўйича федерал информацион фонд", "Россияни ахборотлаштириш" дастури. Россия Фан вазирлигининг мақсадли илмий-техника дастури "Фуқароларга мўлжалланган фан ва техника тараққиёти йўналишида татқиқот ва изланишлар" орқали эса "Фан ва олий мактаб учун миллий компьютер тармоқлари телекоммуникацияси" лойихаси қўллаб-қувватланмоқда.

1998 йили Россия фундаментал тадқиқотлар фонди (РФТФ) ва Россия технологик ривожланиш фонди (РТРФ) танлов эълон қилишди ва унинг натижасига кўра ЭК муаммоларини ечиш бўйича лойихалар молиялаштирила бошланди. "Россия электрон кутубхоналари " тармоқлараро дастурини амалга ошириш тўғрисида ҳам бир қатор ечимлар бор. Мазкур дастур бу соҳадаги бошқа лойихалар ва дастурлар билан биргаликда электрон информацион ресурсларни йиғиш, сақлаш ва улардан самарали фойдаланишга мўлжалланган.

Электрон кутубхоналар яратишга йўналтирилган халқаро лойихалардан бири- "BIBLIOTHECAUNIVERSALIS" хисобланади, бу лойиха бўйича ЭК глобал тармоғи яратиш кўзда тутилган. Мазкур лойиха "Катта еттилик" мамлакатлари томонидан амалга оширилаётган 2 лойиханинг биридир. 1995 йилда бошланган бу лойиха ишида қуйидаги мамлакатлар иштирок этмоқда.

Франциядан- Франция маданият вазирлиги ва Франция миллий кутубхонаси (MINISTEREDELACULTURE)
(BIBLIOTHEQUENATIONALEDEFrance).

Японияда-Япония миллий кутубхонаси(NATIONALDIET LIBRARY).

АҚШдан- Конгресскутубхонаси (LIBRARY OF CONGRESS).

БуюкБританиядан–Британиякутубхонаси.(The British Library).

Германиядан-Германия кутубхонаси (Deutschebibliotek).

Канададан-Канада миллий кутубхонаси (National Library of Canada) .

Италиядан-Давлат кутубхонаси. (Discoteca di Stato)

Электрон кутубхоналар яратишда АҚШ даги кутубхоналар ва информацион марказлар фаоллик кўрсатишмоқда.


Лойихалар ичида кўзга кўринарлиси: АҚШ Конгресси кутубхонаси томонидан амалга оширилган, 1995 йилда 15 йирик университет кутубхонасини бирлаштирган миллий электрон кутубхоналар федерацияси (NDLF) лойихаси, Миллий электрон кутубхона ва Америка хотираси лойихалари хисобланади. АҚШ да бу соҳада олиб борилаётган ишлар бошқа мамлакатларда ҳам шу йўналишда олиб борилаётган ишлар ривожига туртки бўлди. Шунинг учун ҳам улар ўзларининг лойихаларида америкалик касбдошлари тажрибасига кўпроқ таянишлари тасодифий эмас.

1993 йил Австралия архивлари, Австралия кутубхоналар кенгаши, Ахборот хизматларини сақлаш бўйича миллий агентлик ва товушкино бўйича миллий архив ҳамкорликда электрон материаллар ишланмалари яратишга тавсиялар берувчи ишчи орган туздилар. Бу соҳадаги ишлар Австралия федерациянинг 100 йиллик юбилейига мўлжалланган «Навстречу к Федерации 2001» дастурига киритилди. 1995 йилдан бошлаб бу ишчи орган АҚШ нинг ишчи гуруҳи «Компании по сохранности и доступности» (CPA) ва илмий кутубхоналар гуруҳи (RLG) ишларидан самарали фойдалана бошлади. Хозирги пайтда бу ишчи орган «Электрон ахборотларни архивлаштирувчи ишчи гуруҳи» деб ном олди.

Европада Европа кенгаши томонидан жуда кўп миллий ва халқаро лойихалар амалга оширилмоқда. Бу йўналишда олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир. Бунда 60 дан ортиқ лойихани ўз ичига олган -ELIB дастури амалга оширилмоқда.

Таълимда электрон кутубхоналар. Таълим муассасаларида мавжуд «Кутубхона» тизими одатдаги кутубхонада мавжуд бўлган (китоб, мақола, рисола, харита, альбом, ...) маълумотларни компьютер хотирасига кутубхоначилик библиографик қоидалар асосида киритиш ва улардан китобхон сифатида фойдаланиш ишини амалга оширувчи автоматик тизимдир. Тизим ўқув адабиётлари жамғармасини ташкил қилиш, таҳрир ва таҳлил қилиш, китобхонлар билан ишлаш, китобхонлар сингари мантиқий қисмлардан ташкил топади. Тизим орқали кутубхона ходимлари жамғармани ташкил қилиш, ундаги барча маълумотларни таҳрир ва таҳлил қилиш, китобхонлар қўлидаги маълумотлар ва кутубхонага китобхонларнинг мурожаати сингари ахборотларни ихтиёрий вақтда олиб, уларни таҳлил қилиш имкониятига эга бўладилар. Китобхонлар эса жамғармадаги маълумотлар билан танишиши, шу маълумот ҳақида берилган қисқа аннотацияни ўқиши ва ўзини қизиқтирган маълумот бўш бўлса (яъни, агар у бошқа китобхон қўлида бўлса, кимда ва қачон топшириши кераклиги ҳақидаги маълумот билан ҳам танишадилар) уни олиш ҳақида кутубхонага сўров бериши мумкин. Бундан ташқари улар кутубхона олдидаги қарзларини кўриш ва кутубхона ишини ривожлантириш учун ўз таклифларини бериш имконига эга бўладилар.

Асосий кутубхона, жамғарма ва китобхон боғланиши ва ундан фойдаланиш модели 1.1-расмда келтирилган.



Хусусан, олий ўқув юрти кутубхонаси асосий ва унга бўйсунувчи факультет, яъни филиаллардан ташкил топади. Филиалларнинг ҳам ўз навбатида бўлимлари, яъни кафедра кутубхоналари мавжуд. Бундан ташқари китобхонларга хизмат қилиш учун бир нечта кироатхоналар ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Олий ўқув юртида кутубхона жамғармаси ягона жамғарма сифатида шакллантирилади ва у мантиқан бир жойда сақланади. Китобхон маълумот излаш учун мантиқий ягона жамғармага ички(локал) ёки ташқи алоқа (глобал) тармоғи орқали киради ва керакли маълумотни излаб топади. Китобхоннинг ҳар қандай ахборотга эга бўлиш талабини қаноатлантириш имкониятига эга бўлган кутубхонанинг ўзи йўқ, сабаби кутубхона жамғармаси чексиз ўсиб бориши мумкин эмас. Аммо китобхонларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида фақат зарурий ахборотларни олишга ҳаракат қилинади. «Электрон таълим» миллий тизимида таълим муассасаларида кутубхоначилик ишини қамраб олувчи «Кутубхона» автоматлаштирилган тизимини яратиш ҳам кўзда тутилган. Автоматлаштирилган тизимни яратишдан мақсад:

- кутубхона ишини автоматлаштириш, ахборотлар оқимини китобхонларга етказишни жадаллаштириш ва кутубхоначилар меҳнатини енгиллаштириш;
- китобхонларнинг ахборотлар билан танишишига қулайлик яратиш ва уларнинг вақтини тежашдан иборат.

«Электрон кутубхона» - компьютер хотирасида файл кўринишида сақланаётган (маъруза матнлари, нодир адабиётларнинг нусхалари, ҳар хил расмлар, мусиқага оид маълумотлар, электрон китоблар,...) маълумотларни кутубхоначилик библиографик қоидалар асосида тартиблаш ва улардан китобхон сифатида фойдаланиш ишини амалга оширувчи автоматик тизимдир. Бу тизимнинг ҳам иш жараёни «Кутубхона» тизими иш жараёнига ўхшаш бўлиб, ундан фарқи шундаки китобхон электрон кутубхона жамғармаси маълумотини ихтиёрий вақтда чақириши мумкин, чунки бу ерда бандлик ва нусха сони камлиги тушунчаси мавжуд эмас. Бундан ташқари

пулли хизматларни ташкил қилиш инобатга олиниши мумкин. «Электрон кутубхона» жамғармасини бошқа таълим муассасалар маъруза матнлари, Internet орқали олинган муҳим янгиликлар ва ҳақозо файл кўринишидаги маълумотлар билан доимо бойитиб бориш мумкин. Тизим:


- электрон жамғармани ташкил қилиш, тўлдириш, таҳрир қилиш ва китобхонлар учун библиографик ишларни амалга ошириш;

ташқи алоқа тармоғи миждозлари учун жамғармага киришга рухсатни ташкил қилиш;

- китобхонларнинг жамғармадан керакли маълумотни ички ва ташқи алоқа тармоғи орқали излаб топиб ундан фойдаланишини ташкил қилиш сингари ишларни бажаради.

«Электрон кутубхона» жамғармасини ташкил қилиш худди «Кутубхона» тизими сингари бўлиб, фақат ундан фарқли равишда файлларни жойлаштириш ва уларга мурожаат қилиш сингари қўшимча ишлар бажарилади. Электрон кутубхона китобхонлари билан ишлаш қисмида эса «махсус рухсат орқали ўқиладиган маълумотлар» ёки «пулли хизмат орқали ўқиладиган маълумотлар» сингари қайдлар мавжуд бўлади.

Китобхоннинг электрон кутубхонадан маълумот олишини амалга ошириш



схемаси қуйида келтирилган **(1.2-расм)**. Китобхоннинг электрон кутубхонадан маълумот олишини амалга ошириш схемаси.

«Электрон кутубхона» алоҳида ўрнатилганда мустақил ишлаш қобилиятига эга бўлиши лозим. Бунинг учун умумий маълумотлар базасидан олинadиган маълумотлар базаси, алоҳида ажратилган ҳолда сақланади ва унга маълумотларни қўлда киритиш интерфейслари берилади. Агар бошқа турдаги тизим ишлатилаётган бўлса ва ундаги маълумотлар базасига мурожаат қилишнинг имкони бўлса, улар орасидаги маълумот айирбошлашни ташкил қилиш мумкин. Юқорида қайд этилган тизим бугун ҳар бир таълим муассасасида мавжуд бўлишни ҳаётнинг ўзи тақоза этмоқда.

Интернетда электрон кутубхоналар. Электрон кутубхона-Интернетнинг ажойиб имкониятларидан биридир. Бу кутубхонанинг электрон шаклидир. Кутубхона деганда одатда кўз олдимизга китоблар турган узундан узок китоб жавонли катта хоналар келади. Электрон кутубхонада жавонлар вазифасини жилдлар, китоблар вазифасини Интернет саҳифалар бажаради. Бу кутубхона маълумотлари электронкўринишда бўлади ва компьютерда жойлашади. Бу кутубхонадан фойдаланиш жуда қўлай. Сиз дунёнинг ихтиёрий нуктасидан электрон кутубхона маълумотларидан фойдалана олишингиз мумкин. Яна бир қўлай томони зарур маълумот нусхасини кўчириб олишингиз мумкин. Электрон кутубхонадан фойдаланишингиз учун компьютер, модем, Интернет тармоғи бўлиши етарли.

Фараз қилайлик, электрон кутубхонадан фойдаланмоқчисиз. Бирор маълумот билан танишмоқчисиз. Компьютер ва Интернет ёрдамида маълумотни бир неча дақиқада топиш мумкин. Маълумот дунёнинг ихтиёрий нуктасидан бир пастда экранда тасвирланади. Бунинг учун Сиз компьютернинг тугмачасини босишингиз ва электрон кутубхонага

киришингиз етарлидир. Бир неча дақиқада маълумот кўз олдингизда намоён бўлади. Бу мўжизани эслатади. Бу мўжиза виртуаллик деб аталади. Унга фақат компьютер ва махсус тармоқ орқали эришиш мумкин. Бир неча йил аввал бир маколани топишга бир неча ой вақт сарфлаш зарур эди. Бугун бунинг учун бошқа шаҳарга бориш ва вақт сарфлаш зарурати йуқолди. Электрон кутубхоналар ёрдамга келди. Электрон кутубхоналарни турлича номлашади:

- ❖ Электрон кутубхона
- ❖ Виртуал кутубхона
- ❖ e-кутубхона
- ❖ e-library
- ❖ digital library

Виртуал кутубхона ўзи нима? Охирги пайтда виртуал дунё, виртуал олам, виртуал дуст каби сўзлар пайдо бўлди. Виртуал сўзнинг маъноси бу тасаввур қилишдир. Виртуал кутубхона бу одатдаги кутубхонанинг абстракт кўринишидир. Бу кутубхона китоблари, журналлари ва рузномалари китоб жавонларда эмас, балки компьютер хотирасига жойланган бўлади. Бу компьютерда ёки компьютер махсус курилмаларида рақамли форматда сақланадиган маълумотларнинг тўпламидир. Бу : босма, аудио, видео ва мультимедиа маълумотлардир. Маълумотлар ҳажмига қараб Серверлар битта ёки тармоқ билан боғланган бир неча компьютерлардан иборат бўлади. Электрон кутубхонада кутубхоначи бўлмайди, шунинг учун зарур китоб ёки маълумотни компьютер жавонларидан сиз ўзингиз қидирасиз.

Электрон кутубхона одатдаги кутубхонадан бир қанча қулайликларга эга:

- Жойнинг тежамланиши, яъни китобларни сақлаш учун махсус жойнинг зарурати йўқлиги.

- Нодир асар ва маълумотларни сақлаш ва улардан фойдалана олиш имкониятининг мавжудлиги
- Фойдаланишнинг қулайлиги ва енгиллиги.
- Қидирув тизимларининг мавжудлиги .
- Маълумотлар ҳажмининг чекланмаганлиги.
- Маълумотнинг аудио, видео ва компьютер графикаси ёрдамида сифатли ва яхшироқ акс эттириш мумкинлиги.
- Вақтнинг тежалиши ва чекланмаганлиги, яъни ундан 24 соат мобайнида фойдаланишингиз мумкин.
- Қўшимча хизматларнинг мавжудлиги.

Демак, электрон кутубхона бу турли маълумотлар жамланган интернет саҳифасидир. Бу саҳифани кутубхоналардаги махсус марказ мутахассислари маълумотларни мунтазам равишда компьютерга киритади ва йиғади. Яъни маълумотлар доимо янгиланиб турилади ва кутубхона ҳажми кенгайиб боради.

Кутубхона билан қандай ишлаш мумкин. Бунинг учун кутубхона адресини Адрес майдонига ёзишингиз зарур. Одатдаги кутубхона сингари электрон кутубхона маълумотлари мавзу ёки алфавит бўйича тартибланади. Шунинг учун зарур маълумотни шу тартибда топиш мумкин.

Ҳозирги кунда электрон кутубхоналар сони сонғасаноқсиздир. Кутубхоналар, университетлар, баъзи ташкилотлар ўз электрон кутубхоналарига эга. Ўзбекистонда ҳам кутубхоналар мавжуд. Қуйида баъзи электрон кутубхона манзиллари ва тавсифини келтирамиз:

Конгресс Виртуал кутубхонаси.

<http://lcweb.loc.gov>- Конгресс Виртуал кутубхонасининг электрон кўриниши бўлиб, у дунёдаги энг йирик виртуал кутубхоналардан биридир.

WWW Виртуал кутубхонаси.

<http://www.vlib.org>- WWW Виртуал кутубхонаси турли туман

маълумотларни ўз ичига олади.

GPO Access.

<http://gpo.gov-US> Government Printing Office маркази миллионлаб

маълумотларни ўзида мужассамлаган.

Электрон ва йиғма каталоглар. Карточкали каталоглар кутубхоналарда керакли китобни қидиришда бекиёс ёрдам кўрсатди. Аммо ахборот манбалари йилдан-йилга кўпаймоқда ва карточкали каталогда қидириш мураккаблашмоқда. ЭХМларининг пайдо бўлиши билан ахборотларни каталоглаштириш ва қидиришнинг анча илғор усулларига ўтиш имконияти пайдо бўлди. Электрон каталоглаштириш - бу кутубхоналарни автоматлаштиришнинг муҳим ажралмас қисми ҳисобланади. Аввалом бор шунини таъкидлаш керакки, электрон каталог турли хил қидирув белгилари (калит сўзлар, муаллифлар, китоб номи, йиллар) бўйича қидирувни чегаралаш имкониятининг мавжудлиги ва кўпгина бошқа белгилар бўйича ахборот қидирувининг кенг имкониятини беради. Электрон каталог самарадорлигининг асосий кўрсаткичи қуйидагилар ҳисобланади:

1. Карточкали каталогларга нисбатан электрон ёзувларда юқори даражали тезликда қидириш;
2. Электрон каталогни тез суръатларда кўпайтириш имкониятининг мавжудлиги, яъни зарурат туғилганда ЭК ни керакли нусхада кўпайтириш мумкин;
3. Электрон каталогга теледоступ имконияти (ахборотларга масофадан туриб кириш);
4. Электрон каталог керакли ахборотни топишни ва унинг тўлалигини таъминлайди;
5. Электрон каталог қисқа вақт оралиғида катта ҳажмли ахборотларни кўриб чиқиш ва керакли адабиётни танлаб олишга имкон беради.

Ҳозирги вақтда карточкали каталогдан электрон кўринишли каталогга ўтиш бир нечта йўллар орқали амалга оширилмоқда:

1. Матн, библиографик карточкадан электрон каталог маълумотлар базасига клавиатура билан терилади;
2. Библиографик карточка (БК) нусхаси "сканер" қилинади ва ЭКда библиографик ёзувлар бўйича қидирув амалга ошириш ҳамда мос библиографик карточкаларнинг тасвирини қоғозга босиб чиқариш учун уларнинг асосий элементлари клавиатура орқали тахрир қилинади;
3. Карточка тасвирини сканерлаш йўли билан киритиш ва уларни ЭКда оддий қидирув белгилари (алифбодаги харфлар, ББК индекслари) бўйича содда, кетма-кет кўриб чиқиб қидирилади;
4. Библиографик ёзувлар БК дан ёки кейинчалик аниқлаш (распознавание образов) мақсадида босма каталоглар саҳифаларини сканерлаш йўли билан киритилади.

Биринчи йўл катта машаққати билан фарқланса, иккинчиси фақатгина юқори сифатли матн бўлганда яхши натижа беради. Учинчи усул электрон каталогнинг, уни анъанавий каталог маъноси билан солиштирганда, қидирув имкониятларини чегаралайди. Каталоглардан БКнинг кўпмилионлик массивини қайта ишлашнинг энг самарали усули-бу белгиларни кейинчалик аниқлаш мақсадида сканерлаш йўли билан киритиш ҳисобланади. Бу келтирилган усулдан фойдаланишда қолган усуллар билан солиштирганда маълумотларни киритиш таннари камаяди, унинг тезлиги, ишончилиги ошади. Аммо бу усулни қўллаш бир қатор муаммоларни ҳал қилишни талаб қилади. БКни кейинчалик табиий образини аниқлаштириш шарти билан киритиш икки босқичга бўлинади: сканер қилиш, аниқлаштириш. Ҳозирги вақтда маълумот киритишнинг техник муаммоси ҳал қилинган: Махсус сканер, шу жумладан, БКнинг етарлича аниқликдаги электрон образини яратишни таъминловчи икки томонлама сканерлаш қурилмалари мавжуд. ЭК яратишдаги асосий муаммо аниқлаштириш муаммосидир. Охи-оқибат,

аниқлаштириш жараёнини ташкил қилиш маълумот киритишнинг тезлигини, ишончлилигини ватаннархини аниқлайди.

Йиғма каталог нима? Каталоглаштириш анча қимматли кутубхона жараёнларидан бири ҳисобланади. Ривожланган Ғарб мамлакатларида бу жараён бўйича сарф-харажатларни камайтириш учун каталоглаштиришнинг системаси яратила бошланди. Мисол учун, АҚШ миллий кутубхоналари, уларнинг фондларига келиб тушувчи адабиётларнинг фақатгина 10-20%инигина мустақил каталоглаштириб, қолганларини улар библиографиялаштирувчи агентликлардан ёки OCLC, RLN, WLN ва бошқа шу каби русумли кооперациялашган системаларидан оладилар. Хар бир кутубхона мос техник ва дастурий воситаларни олгандан сўнг, ўзларининг хусусий электрон каталогини яратишни бошлайдилар. Бироқ битта шаҳар, туман ёки бутун мамлакат миқёсида қараганда жуда кўп адабиётлар мавжудки, улар кўпгина кутубхоналар, айрим ҳолларда эса барча кутубхоналар фондларига киритилган. Электрон каталогларни шакллантириш катта сарф-харажатларни талаб қилади. Бунда хар-хил манбалардаги маълумотларга кўра, битта карточкани электрон шаклга ўгириш таннарни 1-3 АҚШ долларига баҳоланади. Бироқ электрон каталог яратиш кечиктирилмайдиган жараён, чунки зудлик билан кутубхона фондини сақланишини ва унинг кутубхона китобхоналарига таъминлаш зарурдир. Электрон каталогларида ёзувларнинг қайтарилишидан қандай қутулиш мумкин? Бутун республика, шаҳар ёки ҳудуд миқёсида фондларда мавжуд адабиётлар ҳақидаги тўлиқ маълумотни қандай олиш мумкин? Бу муаммони ҳал қилишга йиғма электрон каталог (ёки содда қилиб йиғма каталог) яратиш ёрдам беради. Йиғма каталог ишлаб чиқишнинг мақсади қуйида келтирилганларни таъминловчи тарқатилган корпоратив ахборот системаси яратиш ҳисобланади:

а)етакчи кутубхоналарга келиб тушувчи нашрларни ҳамкорликда каталоглаштириш ва классификациялаш;

б)библиографик маълумотларнинг йиғма базасини шакллантириш ва кузатув назаротини олиб бориш ҳамда уларга Интернет воситалари билан тармоқ режимида онлайн мулоқотини бериш;

в)кутубхоналарнинг библиографик ёзувларини MARC (USMARC, UNIMARC) форматларида айирбошлаш.

Йиғма каталог самарадорлиги қуйидагиларда ҳисобланади:

-Кутубхоналарга хусусий локал электрон каталогини шакллантириш учун самарали имкониятнинг берилиши;

-Йиғма каталог шакллантиришда ҳар бир иштирокчи кутубхона бошқа иштирокчи кутубхонанинг ахборот-кутубхона захиралари (ЭК)га кириш имкониятига ;

-Йиғма каталог тайёр ёзувларидан фойдаланиш йўли билан нашрларни каталоглаштиришнинг оғир меҳнатини қисқартириши;

-Тезкор библиографик қидирув имкониятининг берилиши;

-Ахборот фондлари ва захираларини самарали айирбошлаш имконияти;

-Ҳар хил ахборот махсулотлари(курсагилар, муаммога-йўналтирилган маълумотлар базаси ва ҳ.к), хусусан, миллий нашр (печать) соҳмасини яратиш мумкинлиги.

Йиғма каталог яратиш жуда оддий бўлмаган муаммодир. Уни ишлаб чиқиш учун бир қатор муҳим масалаларни ечиш зарур бўлади:

1. Нашрларнинг унифицирлашган библиографик тасвирини ва халқаро MARC(UNIMARC, USMARC) форматлари асосида библиографик ёзувларнинг миллий айирбошлаш форматини ташкил қилиш;

2. Нашрларни индекслаш, классификациялаш системаси ва кооператив каталоглаштириш технологиясини ишлаб чиқиш;

3. Локал каталогларнинг ахборот яқдиллигини таъминлаш, индекслаш ва қидирув системалари яратиш мақсадида лингвистик таъминот (табиий тил

синонимлари ва ўзакларининг луғати, дискрептор луғати ва авторитет файллар) ишлаб чиқиш;

4. Internetra чиқиш имконияти билан Internet технологияси бўйича кутубхоналарнинг ахборот корпоратив компьютер тармоғини яратиш;

5. Маълумотларнинг концептуал ва мантикий моделини, каталогининг йиғма библиографик маълумотлар базасини юритиш технологияси ва инструментал воситасини яратиш;

6. WWW-тармоқ стандарт воситаси орқали фойдаланувчиларнинг каталог маълумотлар базасига онлайн киришини таъминлаш;

7. USMARC ва UNIMARC форматларида республика ва чет эллар кутубхоналари орасида библиографик ахборотлар айирбошлашни таъминлаш.

Йиғма каталог яратишнинг асосий мақсади кутубхоналарга тушадиган нашрларни ҳамкорликда каталоглаштириш ва классификациялашдан иборатдир. Ахборот технологиялари ривожланишининг замонавий босқичида йиғма библиографик маълумотлар базасини таъминловчи ва тармоқ режимида уларга ОН-лайн кирувини ҳамда MARC (USMARC, UNIMARC) форматларида кутубхоналар билан библиографик ёзувларни айирбошлаш имкониятини берувчи тарқатилган корпоратив кутубхона ахборот тармоғи яратиш билан бу мақсадга эришилади.

Йиғма каталог яратишда қатор муҳим масалалар ҳал қилинади:

- Нашрларнинг библиографик тасвирини ва халқаро MARC (USMARC, UNIMARC) форматлари асосида библиографик ёзувларнинг миллий айирбошлаш форматини ишлаб чиқиш;
- Нашрларни индекслаш, классификациялаш системалари ва корпоратив каталоглаштириш технологияларини ўзлаштириш;
- Индекслаш ва қидирув системалари яратиш, локал каталогларнинг ахборот мослигини таъминлаш мақсадида дискрептор луғат, табиий тил ўзак ва синонимлари луғатини ишлаб чиқиш;

- Интернетга чиқиш имконияти билан intrahet технологияси бўйича кутубхоналарнинг ахборот корпоратив компьютер тармоғини яратиш;
- WWW-тармоқ стандарт воситаси орқали йиғмаЭК маълумотлар базасига фойдаланувчиларнинг ОН-лайн киришини таъминлаш.

Йиғма каталогнинг яратилиши кутубхоналарга хусусий локал каталогларини шакллантириш, йиғма ЭКнинг тайёр ёзувларидан фойдаланиш йўли билан нашрларни каталоглаштиришнинг оғир меҳнатини қисқартириш, тезкор библиографик қидирувини амалга ошириш, ахборот жамламалари ва захиралари орасидаги маълумот айирбошлаш, ҳар хил ахборот маҳсулотлари (кўрсаткичлар, муаммога йўналтирилган маълумотлар базаси ва ҳ.к.) ва миллий нашрлар йилномаси яратиш учун янги имкониятлар беради.

Йиғма ва локал ЭК яратиш учун библиографик ва «адресли-справка» ахборотларининг таъминоти электрон почта бўйича ёки айирбошлар учун келишилган MARC форматида ОН-лайн режимида амалга оширилади.

Йиғма ЭК таркибига қуйидаги қисм системалар киритилган:

- Нашрларнинг библиографик тасвирини ўз ичига олувчи йиғма релецион маълумотлар базасини юритиш ва кооператив каталоглаштириш;
- "Меъёрий-маълумот" ахборотларини, калит сўзлар ва синонимлар луғати, дескриптор луғатлар-тезауруслар, классификацияларнинг ва системалари, библиографик элементлар қийматларининг меъёрий (автористет) ёзувларини ўз ичига олган лингвистик маълумотлар базаси яратиш ва юритиш;
- Йиғма ва лингвистик маълумотлар баъзасига WWW-тармоқ орқали ОН-лайн қирувчи, библиографик фаолият ва ахборот хизматини кўрсатиш.

Библиографик ёзувларнинг айирбошлаш формати ва унифицирлашган библиографик тасвир.

Йиғма каталог маълумотлар баъзасида концептуал босқичда уч тоифа объектларда каталоглашнинг библиографик тасвири кўрсатилган: монографиялар, давомий (сериал) нашрлар, аналитик бирлик (нашрлар бўлими). Бу уч тоифа нашрларга коммуникатив UNIMARC-формати майдон ости ва майдонлар таркиби бўйича фарқланувчи учта (қатлам) тасвирлаш мос кўйилади.

Кутубхона MARC-форматлари. Кутубхона жараёнларини автоматлаштиришда MARC- форматларининг ўрни бекиёсдир. АҚШ Конгресс кутубхонаси томонидан 1960–йиллар охирларида яратилган MARC–форматлар библиографик ахборотларни машина ўқий оладиган ёзув шаклда ифодаладиган стандартдир. Жаҳондаги жуда кўп йирик кутубхоналар бу стандартдан каталоглаштириш ва маълумотларни алмаштиришда фойдаланишмоқда. Бугунги кунда MARC-форматларнинг 50дан ортиқ кўринишлари мавжуд. Булар, миллий хусусиятларни ҳисобга олиб яратилган миллий коммуникатив форматлардир: *USMARC* (АҚШ), *UKMARC* (Буюк Британия), *Jap MARC* (Япония) ва бошқалар. Форматнинг номлари ҳамма вақт ҳам у яратилган мамлакат номига мос тушавермайди. Масалан, *ANNAMARC*-Италияда яратилган формат, Амстердам университети томонидан яратилган форматлар–*UBVUMARC*, *OCLC-MARC*, Франция ва Белгия томонидан яратилган формат *INTERMARC* деб юритилади.

MARC–форматларининг пайдо бўлиши, ўн миллионлаб ёзувларга эга бўлган йиғма электрон каталоглар яратиш учун ҳам жиддий туртки бўлди. Масалан, АҚШдаги OCLC марказида сақланаётган ёзувлар сони 35млн.дан ошиб кетган. Жаҳонда энг кўп тарқалган форматлардан бири бу–*USMARC* дир.70-йилларнинг охирларида компьютер технологиялари асосида ахборот тармоқларини яратиш авж олди. Натижада библиографик ёзувлар мослигини таъминлаш учун биргаликда ечимлар қабул қилиш эҳтиёжи туғилди. Турли туман форматларнинг кўпайиб кетганлиги, ахборотлар алмаштиришда

муаммолар пайдо қила бошлади. Турли ахборот агентликлари (кутубхоналар, ташкилотлар) орасида библиографик ахборотларни алмаштириш имкониятини берувчи «воситачи-формат» яратиш эҳтиёжи туғилди. Бу формат ёрдамида жаҳон ҳамжамияти ўзаро ахборот алмаштириш имкониятига эга бўлади.

1977–йили IFLA томонидан тузилган ишчи гуруҳ томонидан ҳалқаро универсал коммуникатив формат UNIMARC ишлаб чиқилди. Бу ишчи гуруҳ таркибига АҚШ Конгресс кутубхонаси вакиллари ва бошқа давлатлардан мутахассислар киритилган эди. UNIMARC–формати махсус мавқега эга бўлиб, унга ўхшаш бошқа MARC–форматлардан фарқи шунда эдики, у MARC–форматлар орасида «воситачи» лик вазифасини бажариши лозим эди. Умуман олганда библиографик ёзувларнинг конвертация муммоси АҚШда ва Англияда MARC– форматларнинг параллел равишда ишлаб чиқилиши билан бошланган эди. Бу соҳада параллел олиб борилаётган тадқиқотлар, америка-англиянинг ҳамкорликда MARC–II лойиҳасини амалга оширишга тўртки бўлди. MARC–форматларнинг кўпайиб бориши, MARC–форматлар оиласига тегишли ихтиёрий форматни бошқа форматга конвертация қилувчи, ягона базавий конвертор яратиш ғоясини туғдирди. Базавий коммуникатив формат сифатида UNIMARC қабул қилинди. Табиийки UNIMARC-формати баъзи бир маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олмайди. Масалан, ўзбек алифбоси кодировкасини. Шунинг учун ҳам библиографик ёзувларни тасвирлашнинг халқаро стандарти UNIMARC асосида миллий хусусиятларни ҳисобга олган миллий коммуникатив формат (UZMARC) яратиш мақсадга мувофиқ. UNIMARCдан ахборот алмаштириш асоси сифатида фойдаланиш, келажакда халқаро ахборот фазосига чиқиш учун имконият яратади. UNIMARCдан асосий ахборот алмаштирувчи сифатида фойдаланиш келажакда халқаро ахборотлар фазосининг бир қисми бўлишга шароит яратади. Ягона ҳудудий электрон кутубхона архитектураси, маълумотларни сақловчи марказ ва лойиҳада қатнашувчиларнинг маълумотлар базасидан

фойдаланувчилар орасида ахборотлар алмаштириш учун универсал механизм яратишни кўзда тутди. Бундай механизмнинг асоси сифатида маълумотларни алмаштиришга мўлжалланган халқаро библиографик формат UNIMARCнинг танланиши мақсадга мувофиқ. Шундай қилиб, турли ахборот манбаларини каталоглаштириш муаммосини ҳал қилиш йўли топилди. Бундан ташқари, бундай ёндашув мавжуд ахборотларни шакл алмаштирувчи конверторлар яратиш орқали ҳам мавжуд муаммоларни (ҳозирги пайтда турли ташкилотлар фондларни ҳисобга олишнинг турли технологияларидан фойдаланишмоқда) ҳал қилишга имкон беради.

1980-1990-йилларда UNIMARC ва USMARC форматлари такомиллаштирилди. Мазкур форматларни қўллаш бўйича турли қўлланмалар, йўриқномалар, маълумотномалар ишлаб чиқилди. Форматлар, библиографик ёзувларни тасвирлашдан ташқари, авторитет, классификациялаш ва бошқа типдаги маълумотларни ишлов беришга мўлжалланган қўшимча қўлланмалар билан таъминланди. Жаҳонда кенг тарқалган USMARC формати халқаро ахборот алмашув формати вазифасини бажара бошлади, баъзи бир ҳолларда эса фақатгина халқаро алмашув формати ролинни бажарибгина қолмай, балки баъзи ташкилотларнинг ички алмашув формати ролини ҳам бажара бошлади. АҚШда библиографик, авторитет, классификациялаш, фонд ҳақидаги маълумотлар ва жамиятга тегишли ахборотларни ифодалаш ва машина ўқий оладиган шаклдаги алмаштириш стандартларининг бешта коммуникатив формати мавжуд.

USMARC Format for Bibliographic Data (Библиографик маълумотлар учун USMARC формати);

USMARC Format for Authority Data (Авторитет маълумотлар учун USMARC формати);

USMARC Format for Classification Data (Классификация типдаги маълумотлар учун USMARC формати);

USMARC Format for Holdings Data (фонд тўғрисидаги маълумотлар учун USMARC формати);

USMARC Format for Community Information (Жамиятга тегишли маълумотлар учун USMARC формати);

Жаҳон тажрибаси, Коммуникатив формат ва Каталоглаштирувчи формат орасида фарқ борлигини кўрсатмоқда. Масалан, Франция Миллий кутубхонаси INTERMARC форматида каталоглаштиради, UNIMARC форматида библиографик ахборотларни алмаштиради. Худди шундай ҳолат Италияда: ANNAMARC ва UNIMARC, Германияда: MAB ва UNIMARC, Финландияда: FINMARC ва UNIMARC ва бошқа давлатларда кузатишмоқда. Аммо бундай ҳолат ҳамма жойда ҳам ўринли эмас, масалан, АҚШдаги библиографиялаш билан шуғулланувчи ташкилотлар ёзувларни USMARC форматида каталоглаштирадилар ва алмаштирадилар. Бошқа томондан қараганда, бундай фарқ мавжуд бўлган мамлакатларда ягона формат асосида ишлашга интилиш сезилади. Масалан, юқорида биз мисол сифатида келтириб ўтган Франция ва Италияда ҳам UNIMARCдан фойдаланиш кенгайиб бормоқда. Хусусан Италия UNIMARC асосида ўз миллий форматини яратган UNIMARC (BNI UNIMARC) бўлсада, ягона формат сифатида, каталоглаштирувчи формат, масалан, USMARC, ёки коммуникатив формат UNIMARC олиниши мумкин. Биринчи ҳолда, ёзувларни алмаштиришни ташкил қилиш, қатнашчилардан, каталоглаштиришнинг ягона қоидаларига бўйсунини талаб қилади, иккинчи ҳолда эса, коммуникатив форматда каталоглаштириш мумкинми? деган саволга жавоб берилиши лозим бўлади. Юқорида айтилганларидан, формат–прототипини танлаш учун қуйидаги мулоҳазалар келиб чиқади: Ихтиёрий форматни прототип сифатида танлаш бу мазкур формат асос бўлган каталоглаштириш қоидалари бажарилишини талаб қилади. Агар прототип сифатида, USMARC танланса, (адаптация қилинмаган ҳолда) англо–америка каталоглаштириш қоидаларидан (AACR) фойдаланишга мажбур бўламиз. Агарда, USMARC

форматини ўз каталоглаштириш қоидаларимизга мослаштирсак, бундай ҳолда биз соф миллий форматимизга эга бўламизки, халқаро коммуникатив формат масаласи очик қолади. UNIMARC халқаро коммуникатив формати, ISBD халқаро каталоглаштириш қоидалари асосида яратилган бу эса ўз навбатида коммуникатив форматда, мамлакатимизда қабул қилинган библиографик тасвирларни тузишнинг ягона қоидалари асосида каталоглаштириш имкониятини беришга ишонч уйғотади. Коммуникатив формат бу–бирор бир мамлакатдаги библиографиялаш билан шуғулланувчи йирик ташкилотлар томонидан қабул қилинган ва библиографик ахборотларни алмаштиришга мўлжалланган ва айни пайтда Миллий библиографияни тузишда кооперациялашга мўлжалланган форматдир. Каталоглаштириш формати–маълумотлар базасида библиографик ёзувларни ички тасвирлашга мўлжалланган бошланғич форматдир. Каталоглаштиришнинг Миллий Формати бу–библиографик маълумотлар базасини тўлдириш учун форматда амалга оширилган тавсиялар бўлиб, у, Информация, кутубхоначилик ва нашриёт иши бўйича стандартлар тизими (СИБИД) стандартларига, библиографик тасвирлар тузишнинг ягона қоидаларига ва Миллий коммуникатив форматга мос келади.

Каталоглаштиришнинг Миллий формати мамлакатимиз кутубхоналаридаги маълумотларни тасвирлашнинг бошланғич ички формати сифатида қабул қилиниши мумкин.

Россияда MARC форматлар ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар, Я.Л. Шрайбергнинг фикрича, 1970–йилларда бошланиб уч босқичда давом этган. Биринчи босқичда, библиографик ёзувларнинг ягона форматини яратиш автоматлаштирилган кутубхона–ахборот тизимларининг технологик асоси сифатидаги имкониятлари ўрганилган. Иккинчи босқичда, тадқиқот натижалари ГПТНБ ва бошқа кутубхоналарда тажриба тариқасида синаб кўрилган. Учинчи босқичда кутубхона мутахассислари ҳам коммуникатив

формат учун давлат стандартлари ва СЭВ доирасида халқаро форматлар ишлаб чиқишга жалб қилинган. 1970–1972–йилларда ГПНТБ да тузилган 30дан ортиқ кутубхона ва инфор­мацион ташкилотлар мутахассисларни бирлаштирган ишчи гуруҳ томонидан «Коммуникативный формат библиографической записи на магнитной ленте» ва форматни тўлдиришга мўлжалланган «Предмашинный формат библиографической записи» структуралари учун ГОСТлар лойиҳалари тайёрланди. Коммуникатив форматдаги ёзув структураси тасвири, ISO2709 халқаро стандартга мос эди. Машина олди форматини тўлдириш маълумотлар элементларини аниқлаш ва уларни уч белгили кодлаштириш даражасига келтирилди. Коммуникатив форматни тўлдирувчисини ишлаб чиқишда чет эл тажрибалари, хусусан, MARC форматлари оиласига кирувчи USMARC формати ўрганилди. 1990–йилдан бошлаб Россия бозорида автоматлаштирилган кутубхона–ахборот тизимларининг пайдо бўлиши (АИБС «МАРК»–НПО Информсистема ва «Библиотека»–(МДУ–илмий кутубхонаси маҳсулоти) билан USMARC формати Россияда тадбиқ қилина бошланди. Форматларни ўрганиш ва тадқиқот қилиш аввал ҳам бўлган аммо, уларни реал тадбиқ қилиш юқорида келтирилган автоматлаштирилган кутубхона–ахборот тизимларининг яратилиши билан бағлиқ. Ишлаб чиқи­лаётган форматлар халқаро стандартлар ва Россиядаги стандартлар ва қоидаларга мос келиши лозим. Бундай талабларнинг бажарилишига, USMARC и UNIMARC форматлари жавоб бериши маълум бўлди. Таҳлиллар натижасида UNIMARC формати Россия миллий форматини яратиш учун асос қилиб олинди. Уч йил давомида Россиянинг 17та кутубхонасидан таклиф қилинган 52та мутахассис иштирокида қуйидаги форматлар ишлаб чиқилди:

- Россиянинг библиогра­фик ёзувларни тасвирловчи коммуникатив формати. Китоблар ва серияли нашрлар;
- Россиянинг авторитет/норматив ёзувларни тасвирловчи коммуникатив формати» (UNIMARC/Authorities нинг Россия варианты).

Бу форматлар IFLA нинг UNIMARC бўйича Доимий қумитаси томонидан UNIMARCнинг миллий формати сифатида тан олинди ва унга RUSMarc халқаро коди берилди. RUSMarc формати бу код билан Z39.50 протоколи бўйича ҳам қўмитадан рўйхатдан ўтган. Демак, RUSMarc формати Z39.50 протоколи билан ишловчи барча тизимларда ишлай олади. Нашр қилинган форматлар Россиянинг 500та кутубхонасига тарқатилди ва мазкур форматларни ўрганиш бўйича семинарлар тизими ташкил қилинди. Маданият Университети Кутубхоначилик факультети ўқитувчиларини RUSMarc формати билан ишлашга ўргатиш мақсадида қўшимча дастур яратиш режалаштирилди. RUSMarc формати бўйича каталоглаштиришни кўрсатувчи «Российский формат машиночитаемой каталогизации»-хужжатни нашрга тайёрланди ва нашр этилди. RUSMarcга киритилаётган барча қўшимчалар ва ўзгартиришлар (<http://www.rba.ru:8101/rusmarc/>) Россия кутубхоналари ассоциацияси сайтига киритилиб туради. RUSMarc форматига тегишли UPDATE1 тайёрланди ва фойдаланувчиларга тарқатилди. RUSMarc формати бўйича аналитик тасвирларни тузишга мўлжалланган услубий тавсиялар ишлаб чиқилди ва тарқатилди.

Миллий MARC форматни яратиш тамойиллари. Форматнинг етарлича тўлиқлиги: лойиҳалаштирилаётган библиографик ёзувларнинг машина ўқий оладиган формати, ихтиёрий даражадаги кутубхона эҳтиёжларини қондирувчи элементлар мажмуидан иборат бўлиб у алмаштирувчи формат функциясини бажариши лозим. Йиғма каталогда сақланувчи ёзувларнинг тўлиқлиги кооперациялашган каталоглаштиришни амалга оширувчи ташкилотларнинг муаммосидир. Формат эса ёзувларни максимал тўлиқ таркибда сақланишини таъминлаши лозим;

Формат лойиҳасини босқичма–босқич яратиш: формат қамраб оладиган турли кўринишдаги хужжатлар доирасини бирин-кетин кенгайтириб бориш. Аввало барча кутубхоналар учун керак бўлган хужжатлар: китоблар, серияли

нашрлар, кейинчалик эса диссертациялар, диссертация авторефератлари, нота хужжатлари ва товушли хужжатларни формат ёрдамида ифодалашга киришилади;

Миллий коммуникатив форматни тўлдириш қоидаларини имкон қадар ISBD каталоглаштириш қоидаларига мос келтириш лозим. Ёзувларда қисқартиришлардан воз кечиш шarti билан;

UNIMARC форматини тўлдиришни, 1994–йилдаги иккинчи таҳрири ва унга 1996–йили ва ундан кейинги киритилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда бажариш;

UNIMARC форматидаги IFLA томонидан тавсия қилинган ва халқаро алмашинувга мўлжалланган библиографик ёзувларни ифодаловчи, мажбурий майдон ва майдонистиларнинг минимал сонига риоя қилиш;

Библиографик ёзувларнинг жаҳонда кенг тарқалган формати, UNIMARC таклиф қилаётган, майдонларни тўлдиришнинг мажбурий ва тавсия қилинаётган элементларини ҳисобга олиш. Формат функционал имкониятлари фақат миллий хусусиятлар ҳисобига тўлдирилиши мумкин;

Библиографик ёзувларнинг вертикал (46_) ва горизонтал алоқаларида, (4--) боғланишлар блокидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ;


Россия ва МХДдаги миллий коммуникатив форматлар яратиш тажрибасини ўрганиш ва бу соҳадаги ютуқлардан унумли фойдаланиш.


Биринчи боб бўйича хулоса:

Битирув малакавий ишнинг биринчи бобида Усмон Носир асарларининг таҳлили, асарларнинг электрон каталоги маълумотлар базасини яратишда қўлланиладиган асосий дастурлар ҳамда маълумотлар базасини шакллантиришда автоматлаштирилган тизимларнинг таҳлили ҳақида кўрсатиб ўтилган.

2-БОБ. УСМОН НОСИР АСАРЛАРИНИНГ ЭЛЕКТРОН КАТАЛОГИ МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ВА ТАШКИЛИЙ СТРУКТУРАЛАРИ.


2.1. Усмон Носир асарларининг электрон каталогига киритиш алгоритми.





1-расм. (блок-схема)

Усмон Носир асарларини тизимдан қидириш алгоритм блок схемаси




2-расм. (блок-схема)

2.2. Усмон Носир асарларини шакллантиришнинг функционал ва ташкилий структуралари.

Функционал структура - инглизча (functional structure) сўзидан олинган бўлиб, фаолият жараёнларининг функционал элементлари орасидаги алоқани акс эттирувчи деган маънони англатади. Элементлар деганда эса, фаоллик вақти ва чегарасида локаллаштирилган фаолият жараёнларининг йўналтирилган ҳаракати вазифаси маъносини англатади. Психик фаолиятнинг тизимли тавсифида методологик жиҳатидан таянч нуқталар бўлиб қуйидагилар хизмат қилади: элементлар типологияси (қидирув, таниш моддий ёки маҳсулий функцияларга йўналтирилган); элементлар орасидаги муносабатларнинг типлари (генетик, функционал ва бошқа) улар элементларнинг ўзаро боғлиқлигининг тартибини характерлайди. Элементлар бир хил (улар асосий ва ишлаб чиқилган) бош ва иккинчи даражали деб ажратиш мумкин; турли даражадаги функционал структура бир хил элементларга мос келади. Юқори даражада бажарилган функциялар шаклида элементларни ташкил этиш қоидасига кўра нисбатан алоҳида дифференцияллашган бўлади. Функционал структуранинг элементлари муносабатлари тушунчаси фаолиятнинг мураккаб шаклини тавсифлаш учун восита сифатида хизмат қилади. Бу воситалар фаолият турларининг объектив характеристикасини ҳаракатини ва уларнинг амал қилиш хусусиятларини акс эттириш учун ҳам қўлланилади. Улар фаолиятни мумкин бўлган муносабатлар орасидаги ва алоқа типлари орасидаги ўзаро бирлик тизими каби тақдим этишга имкон беради.

Дастурнинг функционал структура кўриниши



3-расм. (блок-схема)

Маълумотларни киритиш. Керак бўлган муаллиф, сарловҳа номи ёки тўлиқ матни қидирилаётгани ҳақида маълумот киритиш.

Қидириш. Керак бўлган маълумотларни киритгандан сўнг уларни ЭКдан, ТМБ қидириш.

Статистика. Бунда фойдаланувчиларнинг сони ва китобларга берилаётган бюртмаларнинг сонини чиқариб беради.

Маълумотларни чиқариш. Изланаётган маълумотларни чиқариш. Масалан: статистикадан қанча китобхон уларнинг тури, фойдаланган маълумотлари ва шу кабиларни чиқаради.

ЭК-Электрон каталог.

ТМ-тўлиқ матн.

Усмон Носир асарларини шакллантиришнинг ташкилий структураси.

Бизга маълумки, кутубхоналарнинг ривожланиш стратегиясида ташкилий таъминотнинг ўрни бекиёсдир. **Ташкилий тузилма** – бу АКМ таркибидаги бўлимлар, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва бўйсунилиши белгилайди. Ташкилий тузилманинг тўғри тузилиши фақатгина бўлимлар иши самарадорлигини оширибгина қолмасдан, балки АКМ фаолияти самарасини ҳам оширади. Янги ташкил қилинган АКМларидаги техник комплекс, замонавий ҳисоблаш техникалари ва илғор ахборот технологиялари ҳисобига ривожлантирилмаса, бу янги ташкил қилинган АКМларининг анъанавий кутубхоналардан фарқи бўлмайди ва кутубхона хизматида сифат жиҳатдан прогресс бўлмайди. Сўзсиз барча янги ташкил қилинаётган АКМ замонавий ҳисоблаш техникаси ва ташкилий техника воситалари ҳамда дастурий воситалар билан таъминланиши зарур. Бу ерда қайси АКМ қандай техника билан таъминлаш керак деган жуда муҳим савол туғилади. АКМ техника билан таъминлашда қуйидаги меъёрларга риоя қилинса мақсадга мувофиқ бўлади, зеро улар олинаётган техника воситаларининг сони ва таркибини аниқлашга таъсир кўрсатади.

Кутубхона фонди қандай (кутубхонада сақланаётган ҳужжатлар ҳажми). Фонд қанчалик катта бўлса, АКМга олинаётган компьютер хотираси ва тезлиги шунчалик катта бўлиши талаб этилади. Тўлиқ матнли маълумотлар базаларини шакллантириш ҳам буни тақозо қилади;

Компьютерлар ёрдамида бажариладиган функциялар, ишлар кўриниши ва сони, функциялар сони автоматлаштирилган иш жойлари сонига тўғри пропорционал бўлади. Бу эса ўз навбатида компьютерлар сонига таъсир кўрсатадиган факторлардан бири.

АКМ томонидан хизмат кўрсатиш эҳтимоли тутилаётган китобхонлар сони ёки вилоят аҳолисининг сони, китобхонларнинг АКМга кўп келиши компьютерлаштирилган ўқув залларининг кенгайишига олиб келади. Шунинг учун ҳам АКМ техник таъминоти бўйича меъёрий-норматив хужжатлар, стандартлар ишлаб чиқилиши керак. Олинаётган ҳар бир компьютер асосланмоғи лозим. АКМни ортиқча техник воситалари билан кўмиб ташлаш ҳам керак эмас (техника воситалари тез эскиради) ва айти пайтда техника воситаларининг етишмаслиги ҳам кўйилган вазифаларни бажаришга тўсқинлик қилади.

Техник таъминот АКМ автоматлаштиришда жуда муҳим, аммо етарли шарт эмас. АКМ автоматлаштириш учун дастурий воситанинг тўғри танланиши жуда муҳимдир.

Усмон Носир асарларини шакллантиришнинг ташкилий структураси



Директор – Кутубхона фаолиятини ва барча бўлимларни бошқаради. Китобхонларга хизмат кўсатишни ташкиллаштириш бўйича турли мазмундаги буйруқларни имзолайди. Бўлимлар фаолиятини назорат қилади.

Директор ўринбосари-Директорни ўн қўли, ходимларни назорат қилади.

Ахборот ресурс бўлими – Бу бўлим орқали китобхонларга кутубхонани электрон каталоги ва Интернет орқали хизмат кўрсатилади. Шу ерда интернет тармоғи ва электрон каталогдан керакли маълумотлар принтер ва сканер мосламаси орқали чиқариб олинади. Китобхон кам вақт сарфлаб керакли ахборотни тез оладилар.

Каталоглаштириш бўлими-Адабиётларни электрон кўринишдаги базасини электрон каталогини яратувчи бўлим.

Хизмат кўрсатиш бўлими Бўлим кутубхонанинг асосий юраги ҳисобланади. Айнан шу бўлим орқали беминнат хизмат кўрсатилади, керакли маслаҳат ва тавсиялар берилади.

Илмий библиография бўлими Илмий библиография ишлари, яъни библиографик кўрсаткичлар, академик олимларининг библиографияларини тузиш ва оғзаки маълумотлар тайёрлаш, библиографик маълумотлар йиғиш ишларини амалга оширади.

Фонд-Айнан шу бўлим кутубхонанинг асосий фонди, нодир адабиётларни сақлаш ва уларни жойлаштиришларини амалга оширади.

Адабиётларни электрон кўринишга ўтказиш – Адабиётларни сканерлаб электрон кўринишга ўтказилади.

Иккинчи боб бўйича хулоса:


Ушбу бобда тўлиқ матнли электрон каталоги маълумотлар базасини шакллантиришнинг функционал ва ташкилий тузилмалари ҳамда тўлиқ матн киритиш алгоритми, блок схема кўринишлари акс этган. Ушбу тузилмалар фойдаланувчиларга ишни қандай бошланганлигини ва бўлимларни жойлашувини кўриши мумкин.

3-БОБ. УСМОН НОСИР АСАРЛАРИНИНГ ЭЛЕКТРОН КАТАЛОГИ МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ ЯРАТИШ.

3.1. Дастурни ишга тушириш ва ундан фойдаланиш.


Дастурни ўрнатиш учун қуйидаги амалларни бажариш керак:

- DVD дискда жойлашган “KARMAT” номли папкани кўчириб олинади. Бунинг учун дастлаб папкани белгилаб оламиз ва сичқончанинг ўнг тугмачасини чертиб, у ерда очилган менюдан “Копировать” номли ёрлиғини босамиз (3.1-расм);




3.1-расм.

- Кўчириб олинган папкани ишчи компьютернинг D секторига ташлаймиз. Бунинг учун “Мой компьютер” орқали D секторга кирамиз ва сичқончанинг ўнг томонини чертиб “Вставить” номли ёрлиғини босамиз




(3.2-расм).

- Натижада, тизим тўғрисидаги барча маълумот компьютернинг D секторига кўчиб ўтгач, ишчи столда жойлашган “Пуск” менюси орқали компьютерни перезагрузка бўйруғига берамиз (3.3-расм).




3.3-расм.

- Ишчи стол интерфейсининг пастки қисмида жойлашган номли ёрлиғини танлаб, сичқончанинг ўнг тугмачасини чертамыз. Натижада у ерда “Ochish..” номли ёрлиқ ҳосил бўлади (3.4-расм).



3.4-расм.

- Мазкур ёрлиқни чертиш орқали тизимни ишга туширамыз (3.5-расм).




3.5-расм.

Демак, корпоратив ахборот ресурс марказларининг автоматлаштирилган тизимини ўрнатиш ва ишга тушириш юқорида таъкидлаганимиздек ниҳоятда осон йўл билан бажарилар экан.

3.2. Электрон каталог маълумотлар базасини яратиш.

Корпоратив ахборот ресурс марказларининг автоматлаштирилган тизимида янги база очиш учун “Администратор”нинг автоматлаштирилган иш жойидаги “Маълумотлар базаси“ тугмаси босилади (3.6-расм). Пайдо бўладиган интерфейсининг «Янги каталог киритиш» ёзувининг пастки қисмидаги “Kalit so’z”, “Nomi” ва “Tip” майдонлари тўлдирилади ва “Qo’shish” тугмаси босилади.




3.6-расм.

“Kalit so’z” майдонига янги очилаётган маълумотлар базасининг лотин алифбосидаги қисқа номи киритилади. “Nomi” майдонига янги очилаётган маълумотлар базасининг номи киритилади. *Эслатма: Яратилаётган маълумотлар базалари китобхонга “очиқ” ёки бу базалар фақат “кутубхоначиларга “очиқ” бўлиши мумкин. “Tip” майдонига менюдаги “Kitobhonga ochiq” ёки “Kitobhonga yopiq” режимидан бири танланиб киритилади.*

Маълумотлар базасининг номини ўзгартириш лозим бўлганда тугмаси босилади ва пайдо бўладиган интерфейсдаги тегишли майдонларга тузатиш киритамиз 3.7-расм ва “Tahrirlash” тугмасини босамиз. Натижада янги номдаги маълумотлар базасига эга бўламиз.

3.7-расм.

Маълумотлар базасини ўчириш керак бўлганда “O’chirish” тугмани босамиз. Тизим маълумотлар базасини ўчирилишини тасдиқлашни сўрайди жавоб ижобий бўлган тегишли маълумотлар базаси ўчирилади (3.8-расм). Маълумотлар базасини ўчиришда жуда эҳтиёт бўлиш лозим, зеро ўчирилган маълумотлар базасини тиклаш мумкин эмас.



3.8-расм

“ARMAT-U” тизимида маълумотномалар базасини шакллантириш.

Бизга маълумки, “ARMAT-U” тизимида маълумотномаларнинг уч шаклидан фойдаланилади. Булар:

- ✓ динамик маълумотномалар;
- ✓ иерархик маълумотномалар;
- ✓ статик маълумотномалар.

Динамик маълумотномалар каталоглаштириш жараёнида доимий равишда тўлдирилиб борилиши мумкин. Масалан: “Сарлавҳалар”, “Муаллифларнинг фамилияси, исми ва шарифи”.

Иерархик маълумотномалар дастлаб тизим администратори томонидан Иерархик маълумотнома сифатида қайд этилади. Сўнгра, каталоглаштирувчининг автоматлаштирилган иш ўрнида иерархик шаклда тўлдирилади. Масалан: ГРНТИ, Фанлар ва бошқалар.


Статик маълумотномалар тизим администратори томонидан бир маротаба тайёрланади ва унга керакли маълумотлар администратор томонидан киритилиши мумкин. Масалан, каталоглаштириладиган хужжат тили, мамлакатлар кодлари ва номлари ва бошқалар. Бундай маълумотнома администратор томонидан бошқарилади ва каталоглаштирувчи томонидан фойдаланилади.

Бу маълумотномаларни яратишдан мақсад, маълумотларни тизимнинг базасига бир маротаба киритиш ва улардан кўп маротаба фойдаланиш имкониятини яратишдир.

Динамик маълумотномалар

Динамик маълумотнома деб каталоглаштирувчи томонидан тизимга киритилаётган, стандарт бўйича энг кўп қайта қўлланиладиган библиографик тавсиф элементлардан сақлаб қолиш ва ундан каталоглаштириш жараёнида мунтазам фойдаланишга айтилади. Яъни, фараз қилайлик, муаллиф майдонига дастлаб каталоглаштирувчи муаллиф исми шарифи қўлда ёзиб киритади. Сўнгра, юқорида киритилган муаллиф фамилияси қайта учрайдиган китобни каталоглаштиришда муаллиф исм, шарифини қўлда ёзмасдан динамик маълумотдан олиб киритилади.

Динамик маълумотномани яратиш учун Администраторнинг АИЎдаги “Ma`lumotlar bo`limi” тугмасини босиш орқали маълумотнома яратиш имкониятига эга бўламиз (3.9-расм).



3.9-расм.

Янги динамик маълумотнома яратиш учун ҳосил бўлган тизим интерфейсининг пастки қисмида жойлашган қуйидаги бўш майдонларни қуйидагича тўлдириш лозим (3.10-расм):

- ▶ фараз қилайлик, муаллифлар учун динамик маълумотнома яратиш керак. Бунинг учун “Kalit so`z” майдонига “author” номли қийматни киритамиз.
- ▶ “Nomi” майдонига “Avtor” сўзини ёзиб киритамиз.
- ▶ “Tip” майдонига маълумотномадан фойдаланиб “Dinamik ma`lumotlar”ни ўрнатамиз ва “Qo`shish” тугмачасини чертиш орқали авторлар учун яратилган динамик маълумотномани сақлаймиз.

91	fanlar	Fanlar	Ierarhik ma`lumotlar		
92	r_faculty	Kitobxonlar fakultetlari	Muassasa ma`lumotlari	statik	
93	r_group	Kitobxonlar guruhlari	Muassasa ma`lumotlari	statik	
94	b_course	Kitobxon kursi	Statik ma`lumotlar		
95	inv_base	Fond nomlari	Muassasa ma`lumotlari	statik	
96	docs_type	Hujjat turi	Statik ma`lumotlar		

Yangi ma`lumotnoma qo`shish

Kalit so`z

Nomi

Tip

Sql

Tegishli ma`lumotlar maydonlarga kiritilgach, saqlash uchun "QO`SHISH" tugmachasini chertamiz!!!!

3.10-расм.


Динамик маълумотдан фойдаланишдан мақсад, биринчидан тавсиф элементини бир марта тўғри киритиб ундан мунтазам фойдаланиш яъни тўғри киритишни йўлга қўйиш, иккинчидан, вақтдан ютишдир.

Статик маълумотномалар

Ситатик маълумотнома бу тизимда баъзи майдонлар учун бир маротаба маълумотнома яратиб, унинг таркибида маълумотномалар рўйхатини ҳосил қилиб (масалан, УДК, ББК индекси), ва ундан мунтазам каталоглаштириш жараёнида фойдаланиб туришдир.

Статик маълумотнома яратиш “Администратор”нинг АИЎдаги “Ma`lumotlar bo`limi”да амалга оширилади. Яъни, Статик маълумотномаларни яратиш учун Администраторнинг АИЎдаги

“Ma`lumotlar bo`limi” tugmasini bosiш орқали маълумотнома яратиш имкониятига эга бўламиз (3.11-расм).



3.11-расм.

Янги маълумотнома яратиш учун “Kalit so`z” майдонига маълумотноманинг лотин графикасидаги қисқа номи ёзилади, “Nomi” майдонига эса маълумотноманинг кенгайтирилган номи ёзилади. Маълумотноманинг типидан эса “Statik ma`lumotlar” “Ierarhik ma`lumotlar” ва “Dinamik ma`lumotlar” хоссалардан статик маълумотлар учун маълумотномадан фақат “Statik ma`lumotlar” танланади ва “Qo`shish” тугмаси босилади. Натижада, янги маълумотномага эга бўламиз (3.12-расм).

18	udk	UDK indeksi	Dinamik ma'lumotlar		
19	publ_place	Nashr qilingan joy	Dinamik ma'lumotlar		
20	lang	Tillar	Statik ma'lumotlar		
21	country	Mamlakatlar	Statik ma'lumotlar		
22	t_doc	Xujjat tipi	Statik ma'lumotlar		
23	astudy	Bilimlar sohasi	Statik ma'lumotlar		
24	r_type	Kitobxon tipi	Statik ma'lumotlar		
25	Fan	Fanlar	Statik ma'lumotlar		
26	Shroi	Shaxs roli	Statik ma'lumotlar		

Kalit so'z
Nom
Tip
Sql


Yangi ma'lumotnoma qo'shish

Statik ma'lumotlar
Statik ma'lumotlar
Dinamik ma'lumotlar

Go'shish
Tozalash

3.12-расм.

Маълумотномага керакли ахборотларни киритиш “Каталоглаштирувчи”нинг АИЎда бажарилади. Яъни, Статик маълумотномани тўлдириш учун “Каталоглаштирувчи”нинг АИЎга кириб (3.13-расм) “Ma'lumotnomalar” тугмасини босамиз ва қуйидагига эга бўламиз



3.13- расм.

Bosh kataloglashtiruvchi
Katalogizator Chiqish »
Menu
Kataloglashtirish
Ma'lumotnomalar
Elektron katalog
Kitobxonlar
Qidirish
Kengaytirilgan qidirish

Ma'lumotnoma

Kod	Nomi	
rbook	Adabiyot razdeli	
book_type	Adabiyot shakli	
publ_conference	Anjuman nashri	
ser_own_form	Asosiy birlik shakli	
BBK	BBK	
ser_unit_form	Birlik shakli	
munit	Birlik shakli (Musiqiy asar)	
ser_regul	Davomiyligi	
ser_publ_type	Davriy nashr tipi	
prd_izd	Davriy nashr turlari	
ser_period	Davriyligi	

3.14-расм.

Тизим интерфесининг ўнг томонида жойлашган “Ma'lumotnomalar” номли тугмани босиш орқали статик маълумотномага керакли ахборотларни киритиш имконияти яратилади. Фараз қилайлик, китобхон типига “Доцент” сўзини китобхон тури сифатида статик маълумотномага

қўшишимиз керак. Бунинг учун, маълумотнома бўлимидан “Китобхон типи” майдони белгилаб олинади ва майдоннинг ўнг томонида жойлашган “Ma`lumotnomalar”  номли тугмачаси сичқонча ёрдамида чертилади (3.15-расм).

lang	Tillar	
tst	tst	
rec_edit	Yozuv tahrirlash belgisi	
maccompanying	Yo`llanma material (Musiqiy asar)	
publ_holiday	Yubiley nashri	
astudy	Билимлар соҳаси	
grnti	ГРНТИ	
regl	Давомийлиги	
prd	Даврийлиги	
r_type	Китобхон типи	
Fan	Фанлар	
Fiztash	Физик ташувчи	
t_doc	Хужжат типи	
Shrol	Шахс роли	

3.15-расм.

Маълумотномага янги ахборот қўшиш учун “Kod”, “Nomi”, “Nomi (ruscha)” ва “Tartib” майдонларига тегишли маълумотлар киритилгач “Qo`shish” тугмаси босилади (3.16-расм).

Tahrirlash

Kod

Nomi

Nomi (ruscha)

Tartib

Qaytish

O`chirish

Tahrirlash

Tozalash


3.16-расм.

Шундай қилиб, биз Каталоглаштирувчининг АИЎда “Ma`lumotnomalar” базаси тўлдиришни кўриб чиқдик.

Корпоратив каталоглаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

АРМ ЭК базасини шакллантириш учун “Каталоглаштирувчининг АИЎ”ги “Eletktron catalog” тугмасини босиш орқали иш бошланади (3.17-

расм). Электрон каталог базасига янги адабиётларни киритиш “Yangi adabiyot qo’shish” тугмасини босиш орқали бажарилади.



3.17-расм.

“Yangi adabiyot qo’shish” тугмаси босилганда қуйидаги шаклга эга бўламиз (3.18-расм). Киритилаётган хужжатнинг библиографик тавсиф элементларини тегишли майдонларга кетма-кет киритамиз. Эслатма: майдонлар тўлдириляётганда киритишнинг кенгайтирилган воситасидан (уч нуқтали тугмача) фойдаланишни унитманг. Такрорланадиган майдонларнинг ўнг томонига қўшиш (+) белгиси қўйилган. Хужжатлар библиографик тавсифини яратиш учун керакли майонларни (майдон остиларни) киритиш ёки кераксизларини олиб ташлаш имконияти мавжуд. Каталоглаштириш учун керакли майдонларни қўшиш ёки олиб ташлаш Администраторнинг автоматлаштирилган иш жойида бажарилади. 3.18-расмда майдонлар рўйхатидан фрагмент келтирилган. 3.18–расмда MARC 21 формати рўйхатидан АРМга мўлжалланган майдонлар келтирилган.

K A R M A T - U

Ishchi sahifa: Kataloglashtirish Katalog: Prezident asarlari [Uzbekcha](#) · [Русский](#) · [English](#)

Bosh kataloglashtiruvchi
Katalogizator [Chiqish»](#)

Menu
Kataloglashtirish
Ma'lumotnomalar
Elektron katalog
Kitobxonlar
Qidirish
Kengaytirilgan qidirish

Ma'lumotlar bazasi(Katologlar) bo'limi

Yangi adabiyot qo'shish

008	Nazorat maydoni	
020	ISBN Indeksi	
022	ISSN	
040	Kataloglashtirish manbai	
041	Nashr tili	
060 A	Ilmilar sohasi	
062 A	Fanlar	
080	UDK indeksi	
084	Boshqa klassifikatsiyalash indeksi (BBK)	
090	Shifrlar	
100	Muallif	
110	Asosiy bibliografik yozuv sarlavhasi - tashkilot nomi	
179 1	ITAR	
242	Kataloglashtiruvchi tashkilot tomonidan tarjima qilingan sarlavha	
245	Sarlavha to'g'risida ma'lumot	
246	Sarlavhaning boshqacha shakli	
250	Nashr haqida ma'lumot	

3.18-расм.

Библиографик тавсифнинг барча элементлари тегишли майдонларга киритилгач “Qo'shish” tugmasi bosiladi. Shunday qilib, APM fondidagi bir hujjatning bibliografik tavsif elementlari tizimining EK bazasiga kiritildi. Bibliografik tavsif elementlarni mайдонларга kiritishda kutubxonachi mайдонга qanday ma'lumot kiritishni bilмай qolganda (ёки эсидан чиқаргanda) у mайдон номи ёзилган қаторга сичқонча билан чертиш орқали ёрдам олиши мумкин (3.19-расм).

Kataloglashtiruvchi
Katalogizator [Chiqish»](#)

Menu
Ma'lumotnomalar
• BKK
• O'quv qurollari
• Griflar
• Foydalanuvchi kategoriyalari
• Adabiyot razdeli
• Ta'lim dargohlari turlari
• Fanlar
Kataloglashtirish
• Elektron katalog
• Kitobxonlar
• Qidirish
• Kengaytirilgan qidirish

020 ISBN Индекси
080 УДК Индекси
084 ББК индекси
091 Индекслар/кодлар
100 Муаллиф
245 Сарлавха
260 Чикувчи маълумотлар
520 Аннотация
653 Калит сўзлари
700 Бoshqa муаллифлар

Yangi adabiyot qo'shish

Qaytish Qo'shish Tozalash

Windows Internet Explorer
Майдонга: китобнинг халқаро стандарт номери ISBN киритилади, масалан, 978994306186
OK

3.19– расм.

Янги хужжат тўғрисидаги маълумотларни киритиш учун “Yangi adabiyot qo’shish” тугмаси босилади ва юқорида бажарилган иш такрорланади (3.20-расм).

The screenshot shows the KARMAT-UM web application. At the top, there is a header with the logo 'KARMAT-UM' and navigation links for 'Ishchi sahifa', 'Katalog', and language options (Uzbekcha, Русский, English). On the left, there is a sidebar with a 'Bosh kataloglashtiruvchi' (Main cataloging) button and a 'Menu' section containing links to 'Kataloglashtirish' (Cataloging), 'Ma'lumotnomalar' (Information), 'Elektron katalog' (Electronic catalog), 'Kitobxonlar' (Readers), 'Qidirish' (Search), and 'Kengaytirilgan qidirish' (Extended search). The main area is titled 'Ma'lumotlar bazasi(Kataloglar) bo'limi' (Library (Catalogs) section). It contains a form for adding new literature with fields for 'Muassasa' (Institution), 'Kod' (Code), 'Muallif' (Author), 'Sarlavha' (Title), and 'Kalit so'z' (Keywords). Below the form, there is a table of books with columns for 'Kod' (Code), 'X' (checkbox), 'Nomi' (Name), 'Soni' (Quantity), and icons for editing, deleting, and adding. The table lists several books, including 'Bibutov N.S.', 'Frolov M. I.', 'Qosimov B.', 'Karimov U.F.', 'Karimov, I.A.', and 'Bizning yulimiz demokratik islohatlarni chuqurlashtirish'.


Kod	X	Nomi	Soni
188	☐	Bibutov N.S. Amaliy mehanika / Bibutov N.S., Jo'rayev A. J. - Tashkent : Yangiyul poligraph servise, 2008. - 544 b.; - ISBN 978-9943-309-42-5.	1
187	☐	Фролов М. И. Техническая механика : учебник / Фролов М. И., Чернявская Н. В. - Москва : Высшая школа, 1990. - 352 с.; - ISBN 5-06-000100-8 : 75 k.	1
186	☐	Qosimov B. O'zbek adabiyoti va adabiy aloqalari tarixi : o'quv qo'llanma / Qosimov B., Jabborov Nurboy, Qosimov Shohruh. - Toshkent : Fan va texnologiya, 2008. - 600 b.; - ISBN 978-9943-10-131-9.	5
185	☐	Каримов У.Ф. Ўзбекистон иқтисодиёти : Дарслик / Каримов У.Ф., Алимов И.. - 100 б.; - ISBN 1234567897867. - UDK 66.3.	8
184	☐	Каримов, И.А. "Шарк тароналари : табрик сузи / Каримов, И.А.. - Тошкент : Ўзбекистон, 2011. - Б. 3.	
183	☐	Бизнинг йулимиз демократик ислохатларни чуқурлаштириш Тошкент : Ўзбекистон, 2012. - 320 б.; - ISBN 978-9943-01-828 : 4900 сўм.	2

3.20-расм.



Шундай қилиб, биз АРМ ЭК базасини шакллантиришни кўриб чиқдик.

3.3. Фойдаланувчилар учун қўлланма.


Усмон Носир асарларининг КАРМАТ тизимида электрон каталог базасига бир муаллифли адабиётнинг библиографик тавсиф элементларини киритиш. КАРМАТ тизимининг бош саҳифаси





Логин майдонига “admin” ва пароль майдонига “11” рақами киритилади. Администраторнинг АИО ишга туширилади ва администраторнинг бош саҳифасидаги “муассасалар” тугмаси босилади. Шу ерда рўйхатга олиш ойнаси очилади ва тегишли майдонлар тўлдирилгач “Қўшиш” тугмаси босилади.




Сўнг калит сўз ва ном майдонлари киритилгандан кейин қўшиш тугмаси босилади. Сўнг чиқиш тугмаси босилади. Кейин ўзимизнинг логин ва паролимиз орқали киришимиз ва киргандан сўнг электрон каталог ссылкасидан ўзимизнинг базамизни танлаймиз.



Чиқиш тугмасини босиб тизимдан чиқамиз ва ўз логин ва паролимиз орқали тизимга киришимиз. Сўнг қуйидаги ойна ҳосил бўлади.



090 майдон остига муаллиф белгисини киритиб, таҳрирлаш тугмасини босамиз.




Elektron katalog -- Диалоговое окно веб-страницы
http://localhost/index.php?sub=m_books&noheader=yes&work=showfields&sprav=090

090 A Joylashuv indeksi
X Muallif belgisi H 78

Yopish Tahrirlash

100 майдон остига муаллифнинг исми, шарифини киритамиз, сўнг таҳрирлаш тугмасини босамиз.




Elektron katalog -- Диалоговое окно веб-страницы
http://localhost/index.php?sub=m_books&noheader=yes&work=showfields&sprav=100

100 A Familyasi, ismi, sharifi UsmoN Nosir
E Shaxs roli Muallif
Q To'liq ism

Yopish Tahrirlash

245 майдонга адабиётнинг асосий сарловчасини киритамиз, таҳрирлаш тугмасини босамиз.




Elektron katalog -- Диалоговое окно веб-страницы
http://localhost/index.php?sub=m_books&noheader=yes&work=showfields&sprav=245

245 A Asosiy sarlavha Unutmaz meni bog'im
B Sarlavha davomi She'rlar, dostonlar va she'rlar
C Javobgarlik ma'lumot to'g'risidagi Soz boshi E.Vohidov
H Fizik tashuvchi Matn
N Nashr qismining №
P Nashr qismining nomi

Yopish Tahrirlash

260 майдонга адабиётнинг чиқиш маълумотларини киритамиз, таҳрирлаш тугмасини босамиз.



Elektron katalog -- Диалоговое окно веб-страницы
http://localhost/index.php?sub=m_books&noheader=yes&work=showfields&sprav=260

260 A Nashr qilingan joy Toshkent
B Nashriyat Gafur Gulom nom. adabiyat va san'at
C Nashr etilgan yil 1998

Yopish Tahrirlash

300 майдонга адабиётнинг ҳажмини киритамиз, таҳрирлаш тугмасини босамиз.

Elektron katalog -- Диалоговое окно веб-страницы
http://localhost/index.php?sub=m_books&noheader=yes&work=showfields&sprav=300

300 A Hajm 304 б.
B Бошқа физик
C Ҳужжатнинг ўлчамлари
E Йўлловчи материал

Yopish Tahrirlash

700 майдонга муаллиф исми, шарифи, яъни жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар киритамиз, таҳрирлаш тугмасини босамиз.

Elektron katalog -- Диалоговое окно веб-страницы
http://localhost/index.php?sub=m_books&noheader=yes&work=showfields&sprav=700

700 E Shaxs roli Сўзбоши муаллифм
A F.I.Sh. Э. Воҳидов

Yopish Tahrirlash

040 майдонга каталоглаштириш тили кодини киритамиз, таҳрирлаш тугмасини босамиз.

Elektron katalog -- Диалоговое окно веб-страницы
http://localhost/index.php?sub=m_books&noheader=yes&work=showfields&sprav=040

040 E Kataloglashtirish qoidasi
B Til kodi Ўзбек

Yopish Tahrirlash

Интернет | Защищенный режим: выкл.

041 майдонга матн ёзилган тилини киритамиз ва таҳрирлаш тугмасини босамиз.




Elektron katalog -- Диалоговое окно веб-страницы
http://localhost/index.php?sub=m_books&noheader=yes&work=showfields&sprav=041


041 A Matn yozilgan til kodi Ўзбек

Yopish Tahrirlash

Интернет | Защищенный режим: выкл.


900 майдонда “обзор” тугмаси босилади. Шахсий компьютеримиздан Усмон Носирнинг бизга керакли асарини тўлиқ матнини танлаб олиб, сичқончани босамиз.





Қуйидаги расмларда асарнинг тўлиқ матнини ўрнатиш кўрсатилган. Шу тарзда Усмон Носир асарларининг электрон каталогини ва тўлиқ матнини киритишимиз мумкин.

НАТИЖА:



Учинчи боб бўйича хулоса: Усмон Носир асарларининг электрон каталоги маълумотлар базасини яратишда АРМАТ дастурини ишга тушириш ва ундан фойдаланиш, электрон каталог маълумотлар базасини яратиш ҳақида ва фойдаланувчилар учун қўлланма кўрсатиб ўтилган.

4. БОБ. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ.

4.1 Иш жойини ташкил этишга талаблар.

Ходимларининг турли-туман психологик зўриқишларга бой, ижодий ва масъулиятли фаолияти улар учун иш жойларида тегишли қулай шароитлар яратишни талаб этади. Ходимининг иш жойи зарур ташкилий-техникавий воситалар, асбоб-ускуналар ва ўз вазифаларини бажариш учун керакли бошқа махсус мосламалар билан жиҳозланган меҳнат фаолияти зонасидир. Иш жойини илмий ташкил қилиш ва жиҳозлаш қуйидагиларни тақозо этади: Жойларни оқилона режалаштириш, иш хусусиятига мувофиқ барча зарур нарсалар билан таъминлаш, ушбу жиҳозларни тўғри жойлаштириш, иш жойларига зарур хизмат кўрсатиш, яъни қулай иш шароитлари яратиш ҳамда ташқи муҳитдаги салбий омилларининг ходимга кўрсатадиган зарарли таъсирининг олдини олиш.

Ходимларининг иш жойлари бир хилда ташкил қилинмайди. Бу улар бажарадиган ишларнинг турларига боғлиқ. Шу билан бирга, ходимларининг меҳнати умумий жиҳатларга ҳам эга. Улар ахборот билан иш олиб борадилар, уларнинг меҳнати ижодий ақлий меҳнатдир. Бу эса ички ишлар органлари ходимларининг иш жойини ташкил қилишга қўйиладиган баъзи умумий талабларни ифодалаш учун асос беради.

Иш жойини ташкил қилиш учун, аввало, хизмат хоналарини оқилона режалаштириш муҳим. У ўзаро ҳамкорлик қилувчи ходимлар ҳаракатларини, ахборот оқимини ва ходимлар ўртасидаги алоқалар суръатини ўрганиш ва таҳлил қилишга асосланиши керак. Хизмат хоналарини режа асосида қуриш ҳамда орган бўлинмалари ва ходимлари ўртасида тақсимлашда уларнинг иш жараёнидаги функционал алоқадорлиги, меҳнатининг мазмуни кабилар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ходимларнинг

кабинетлар ёки зонал система бўйича жойлаштириладиган иш ўринлари бир неча гуруҳларга жамланиши ёки алоҳида-алоҳида жойлаштирилиши мумкин.

Иш жойини тўғри ташкил қилиш хизмат хонасининг энг кичик майдонини эгаллаган иш жойи ходимга энг кам ақлий ва жисмоний куч сарфлаб, ўз зиммасига юклатилган вазифаларни муваффақиятли уддалаш имконини берадиган зарур мебель ва ташкилий техника билан жиҳозланишини тақозо этади. Ходимнинг меҳнатига ахборот, ҳужжатлар билан ишлаш хос бўлганлиги сабабли, иш жойини ташкил қилиш ахборот ва ҳужжатларнинг энг мақсадга мувофиқ тарзда жойлаштирилишини, тезда қидириб топилишини, материаллардан фойдаланиш билан боғлиқ ортиқча ҳаракатларга чек қўйилишини, маълумотларнинг қаттиқ ва визуал (кўз билан) назорат қилилишини таъминлаши керак.

Физиологик нуқтаи назардан, меҳнат жараёни қўйилган мақсадларга эришиш учун сарфланадиган жисмоний ва ақлий куч-ҳаракатлардан иборат. Иш жойини оқилона жиҳозлаш ишловчини иш жараёнида ортиқча жисмоний ҳаракатлардан халос қилишни билдиради. Инсон организми, физиология нуқтаи назардан, узатмалар ва дастаклар комплекси бўлиб, бунинг натижасида айрим ҳаракатлар бошқаларига қараганда осонроқ бажарилиши мумкин. Меҳнат предметлари ва қуроллари иш жойида анна шуни инобатга олган ҳолда жойлаштирилади. Меҳнат предмети ходимнинг олдида, ёнида, тепасида, пастда ва орқада жойлаштирилиши мумкин. Бир вазиятда уни олиш учун чўзилиш, бошқасида – энгашиш керак, учинчи ҳолда қийинчиликсиз олиш мумкин. Меҳнат предмети қўл етадиган жойда бўлса, ходимнинг ҳолати ва ҳаракатлари эса қулай бўлса, уни осонгина олиш мумкин. Шу жиҳатдан, иш жойининг ўзини оқилона режа асосида ташкил қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Бу меҳнат операцияларини бажариш учун энг кўп ва энг кам даражада қулай бўлган зоналарни ва, бинобарин, иш учун зарур бўлган барча нарсаларни шунга мувофиқ жойлаштиришни тақозо этади. Иш зоналарининг ўлчами кўп жиҳатдан хизмат мебелли (ёзув столлари,

иш креслолари, сейф, шкафлар ва бошқалар)нинг тузилишига боғлиқ. Улардан фойдаланиш самарадорлиги кўп жиҳатдан меҳнат предметлари ва қуролларини жойлаштириш ва ишлатиш қоидаларига риоя этилишига боғлиқ. Буларнинг бари жисмоний меҳнатгагина тааллуқли деб ўйлаш нотўғри бўлади. Гап шундаки, у ёки бу ҳаракатда ютилган арзимас вақт йиғилиб бориб, иш куни давомида сезиларли вақт тежалишига имкон беради. Масалан, канцелярия папкаларининг тасмачаларини боғлаш ва ечиш учун йил давомида бир ҳафтагача иш вақти сарфланиши ҳисоблаб чиқилган. Техника воситаларини ишга тайёр ҳолатга келтириш учун кўп иш вақти сарфланади. Бу вақт сониялар билан эмас, балки дақиқалар ва ҳатто соатлар билан ўлчанади. У ёки бу ходим иш шароитларининг ва меҳнат хусусиятларининг хилма-хиллиги иш жойини ташкил қилиш учун ягона тизим яратиш имконини бермайди. Аммо бу иш жойига қўйиладиган умумий талабларни қиёдалаш мумкинлигини истисно этмайди. Адабиётда меҳнат қуролларини жойлаштириш ва қўллаш борасида тавсиялар берилган. Ушбу тавсиялар асосан бир қанча қоидалардан иборат:

1. Меҳнат материаллари ва қуролларини ҳаракатларнинг энг мақбул кетма-кетлигини таъминлайдиган қилиб жойлаштириш зарур. Уларни бир-бирига яқин турадиган қилиб жойлаштиришга ҳаракат қилиш керак.
2. Материаллар ва нарсалар олдиндан тайёрланган бўлиши ва муайянжойда бўлиши керак. Уларнинг бетартиб, режасиз жойлашганлиги кўпвақт йўқотилишига олиб келади.
3. Меҳнат қуроллари ва ҳужжатлар осон ва қўшимча вақт сарфламайолинадиган қилиб жойлаштирилиши керак. Иш жойида материалларга қўлнинг етишини мебелнинг айрим қисмларини бир-бирига нисбатан оқилона жойлаштириш, иш зонасини кенгайтириш ва, бинобарин, айланадиган ва ҳаракатланадиган креслодан фойдаланиш эвазига таъминлаш мумкин.

4. Турли хил меҳнат қуролларини (масалан, қалам ва ўчирғични)бирлаштириш мумкин.
5. Ёзув столи ва иш креслоси муайян бир иш ёки муайян ходимга мослаштирилган бўлиши керак, аммо ходимни ёзув столи ёки иш креслосига мослаштириб бўлмайди.
6. Ходим ёзув столидан ҳужжатлар ва материалларни тахлаш учунэмас, балки фақат жорий иш учун фойдаланиши керак.
7. Иш жойи барча материаллар ва меҳнат қуроллари кўриниб турадиган қилиб ташкил қилиниши керак. Нарсаларнинг кўриниб туриши уларнинг доимо бир жойда сақланиши билан бирга, уларни излаш учун сарфланадиган вақтни йўқ қилишга хизмат қилади. «Излаш» сўзи ходимнинг луғавий бойлигидан чиқиб кетадиган тарзда ташкил қилинган меҳнат нормал меҳнат бўлиши керак. Бунда ҳужжатлар «қалашган» ёки «тўпланган», яъни папкалар бир-бирининг устида ётган, канцелярия буюмлари сочилган, маълумотномалар ва норматив ҳужжатларнинг тўпламлари ҳамда бошқа адабиёт икки қатор бўлиб жойлашган ҳолатга йўл қўймаслик муҳим. Бунинг учун эса канцелярия нарсалари, қоғоз, магнитофон ленталари ва бошқа буюмларни сақлаш учун мўлжалланган турли хил қутилардан фойдаланиш тавсия этилади. Ишжилдлар, папкалар, конвертларни алоҳида-алоҳида сақлаш лозим. Ушбу мақсадларда кичик тўсиқлардан фойдаланиш мумкин. Столнинг тортма қутилари ҳам, масалан, карточкалар сақлаш учун бир неча қисмларга бўлиниши мумкин. Ҳужжатларнинг кўриниб туришига улар ва бошқа материаллар сақланадиган папкалар ва қутилардаги ёзувлар ва белгилар ҳам ёрдам беради.Тажрибанинг кўрсатишича, хотиранинг ўзига таяниш мумкин эмас.Ҳужжатларнинг аниқ белгилаб қўйилиши ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди, аммо уларни излаш учун кетадиган вақтни тежайди . Белгилаш усуллари (ёзувлар, белгилар, рақамлар ва ҳ. к.) материалларнинг хусусиятига боғлиқ. Кўриниб туриши учун қўлланиладиган кенг тарқалган усуллардан бири қоғозларни ёзув столидаги ойна остига

жойлаштиришдир. Ушбу мақсадда махсус мосламалар (ушлагичлар)дан ҳам фойдаланилади. Улар ёрдамида керакли қоғозларни тезда қистириб мумкин. «Текис картотека» деб номланувчи мослама ҳам ҳужжатларнинг кўриниб туришига хизмат қилади. Унда карточкалар ҳаракатланувчи планшетларда бирининг устида иккинчиси муайян ораликда жойлашган бўлади. Бундай планшетларнинг ҳар бирининг остки қисмида унда мавжуд бўлган ахборот номи ёзиб қўйилади. Керакли ҳужжатларни топиш учун тегишли планшетни очишнинг ўзи етарли бўлади.

8. Иш жойи иложи борица ташқи таъсирлардан ажратилган бўлиши керак. Амалиётда ушбу талабга кўпинча риоя қилинмайди. Аслида эса ажратилганлик одамлар кўз ўнгида ишлашда юзага келадиган асабийлашишни камайтиради. Бу таҳлилий ва бошқа ижодий ишни бажаришда айниқса муҳим. Бунга, масалан, мебелни пухта ўйлаб жойлаштириш эвазига эришиш мумкин. Ёзув столларини ходимлар бир-бирининг узлуксиз кузатувида бўлмайдиган қилиб жойлаштирган маъқул. Агар хизмат хонасида столлардан ташқари сейфлар ва шкафлар мавжуд бўлса, улар ёрдамида нисбатан ажратилган иш жойлари яратиш мумкин. Бунда юзага келадиган табиий ёруғлик етишмаслигини сунъий ёруғлик эвазига қоплаш мумкин. Ёзув столларини мажбуран ёнма-ён ёки бир-бирига қарама-қарши қўйишга тўғри келган ҳолларда ҳам уларни кичик тўсиқлар билан ажратса бўлади.

9. Иш ўринларини жойлаштиришда нафақат хизмат хонасининг фойдали майдонидан тежамкорлик билан фойдаланиш, балки уларнинг пухта ўйланмай жойлаштирилганлиги сабабли йўл қўйиладиган хизмат вақти йўқотилишларини йўқ қилишга ёрдамлашиш ҳам муҳим. Ишининг хусусиятига кўра, бошқа бўлинмалар (хоналар)га тез-тез мурожаат этадиган ходимларнинг жойларини хизмат хонасининг эшигига яқинроқ жойлаштириш лозим. Ушбу талаб, аввало, ҳужжатлар айланиши билан боғлиқ функцияларни амалга оширувчи ходимларнинг ишига тааллуқлидир.

4.2. Фавқулодда вазиятлар.

Фавқулодда вазиятлар классификацияси.

Ҳар бир фавқулодда вазият қутқаришнинг жисмоний моҳиятига эга, фақат унга хос юзага келиш, ҳаракатга келтирувчи кучи, ривожланиш характериға, инсон ва унинг турмуш муҳитига таъсири сабаблари ва хусусиятлар мавжуд. Шундан келиб чиққан ҳолда барча фавқулодда вазиятлар бир неча турга бўлинади. Уларнинг табиати ва хоссаларига оид турли хос томониларидан турли белгиларига қараб тоифаланади. Хусусан, фавқулодда вазиятлар уларнинг келиб чиқиш сабабларига қараб, ривожланиш суръати, оқибатларининг нечоғлиги бўлишини инобатга олган ҳолда тарқалиши кўламига кўра, тоифа тизимлари тузилиши мумкин. Юзага келиш сабабларига кўра, фавқулодда вазиятларни 4 синфга ажратиш мумкин: табиий офатлар, техноген фалокатлар, антропоген (экологик) фожеалар ва ижтимоий–сиёсий можаролар.

Табиий офатлар–хавфли табиий ҳодисалар ёки фавқулодда характерға эга ва кундалик ҳаёт тарзи ёхуд инсонлар гуруҳини бузилишиға олиб келувчи, қурбонлар чақирувчи, моддий бойликларға талофат етказиб, яксон қилувчи жараёнлар. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълум қиладики, жамоатчилик саломатлиғига кутилмаганда жиддий ва бевосита таҳдид солувчи табиий офатларни, характерланадиган вазиятлар сифатида таърифланади. Табиий офатлар атмосфера ҳодисалари (довуллар, қор тушиши ва босиши), аланға (ўрмон, торф ёнғинлари, аҳоли пунктларидаги ёнғинлар), сув ҳавзаларида сув даражасининг ўзгариши (тошқинлар, сув босиши), ер негизидаги ўзгаришлар (кўчкилар, вулқон отилиши, зилзила, цунами) таъсири натижасида юзага келади. Табиий офатлар ҳам бир-биридан боғлиқ бўлмаган ҳолда, ҳам ўзаро боғлиқ ҳолда юзага келади: улардан бири бошқасини чақириши мумкин. Улардан айримлари тез–тез (кўп ҳолларда)

инсоннинг доимо ҳам онгли фаолияти оқибатида вужудга келавермайди (масалан, ўрмон ва торф ёнғинлари, тоғли ҳудудда ишлаб чиқиш, портлатишлар, тўғонлар қурилиши, карьералар ишлаб чиқиш кўпинча ккчкилар, қор лавиналари, муз кўчишига олиб келади). Ҳар бир табиий офат учун инсон саломатлигига зарарли таъсир этувчи ўзига хос омиллар характерлидир. Инсонлар ҳаммадан кўп сув босишидан (40%), довуллардан (20%), zilзила ва қурғоқчиликдан (15%) дан жабр чекадилар. Умумий зарарнинг 10% яқини табиий офатнинг қолган турларига тўғри келади. Бир қатор маҳаллий ва хорижлик мутахассислар катта табиий офатлардаги ёқотишлар хусусидаги маълумотларни келтириб, келгусида аҳолининг сони ва концентрацияси ўсиб бориши муносабати билан кучи бўйича бундай фожеалар оқибатида қурбонлар сони n маротабага ўсади, деб таъкидлашмоқда. Ишлаб турган жойида машиналар, механизмлар ва агрегатларнинг тўсатдан ишдан чиқиши, шу билан бирга ишлаб чиқариш жараёнининг жиддий нуқсонлари, портлашлар, ёнғин ўчоқлари ташкил бўлиши, катта ҳудудларнинг радиоактив, кимёвий ва биологик зарарланиши, инсонларни ҳалокатига олиб келувчи офатни техноген фожеа деб аташ қабул қилинган. Саноат иншоотлари, қурилиш, шунингдек, темир йўл, ҳаво, автомобил, қувирлар ва сув траспортида юз берган авариялар, улар натижасида вужудга келган ёнғинлар, фуқаролар ва саноат бинолари талофатлари, радиацион ифлосланиш, жойнинг кимёвий ва бактериал зарарланиш хавфларининг тузилиши, ер усти ва сув устида нефть маҳсулот ва заҳарли суюқликларнинг оқиб кетиши ва аҳоли ҳамда атроф–муҳитга хавф солувчи бошқа оқибатлар техноген фожеага таъаллуқлидир. Техноген фожеа оқибатлари характери авария тури, кўламлари ва авария чиққан корхона хусусиятлари (транспорт тури ва авария содир бўлган ҳолат)га боғлиқ.

Техноген фожеалар ташқи табиий омиллар, шу жумладан, табиий офатлар, иншоотларнинг лойиҳавий–ишлаб чиқариш нуқсонлари, ишлаб

чиқаришнинг технологик жараёнлари бузилиши, транспорт, ускуналар, машиналар, механизмлар ва бошқаларнинг қўлланилиш қоидалари бузилиши ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаслиги кенг тарқалган сабабларидан ҳисобланади. Оғир оқибатларни чақирувчи ва характерли авариялар булар—портлашлар, ёнғинлар, атмосфера ва жойнинг кучли таъсир этувчи захарли моддалар (КТЗМ), радиоактив моддалар (РМ) билан зарарланишидир.

Портлашлар ва улар оқибатида чиқадиган ёнғинлар портлаш кучига эга ва кимёвий моддалар чиқарадиган объектларда содир бўлади. Газ ва маҳсулот қувурларида катта босим остида турган тизимлар ва агрегатлар ҳам шулар жумласидан.

Корхоналарда ёнғинлар босим, ток ва иситиш тизими остида турган электроузатгичлар ва машиналар шикастланиши, тез аланга олувчи суюқликлар, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмагани орқасида келиб чиқади.

Биолар ва иншоотларнинг оловга бардошлилиги, ишлаб чиқаришнинг ёнғин хавфи, иншоотнинг мустаҳкамлиги, метеорология шароитлари, ёнғин ўчириш тизими ва воситаларининг аҳволи ва бошқалар ёнғинлар характери ва кўламига салмоқли таъсир кўрсатади. КТЗМ оқиб кетиши ва атроф—муҳит захарланиши билан авариялар кимё, нефтни қайта ишлаш, целлюлоза-қоғоз, гўшт-сут ва озиқ-овқат саноати корхоналари, сув қувурлари ва тозалаш иншоотларида, шунингдек темир йўл орқали КТЗМни транспортировка қилишда вужудга келади. Нотўғри сақлаш ва транспортировка қилиш, техника хавфсизлигига риоя қилмаслик, агрегатлар, механизмларнинг ишдан чиқиши, қувурлар, омборларнинг шикастланиши бевосита сабаблар саналади.

Антропоген (экологик) офатлар - инсоннинг хўжалик фаолияти ортида юзага келадиган антропоген омиллар таъсири остида чақирилган ва

инсонлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, бутун атроф-муҳитга зарарли таъсир етказувчи биосферанинг сифатли ўзгариши.

Атроф-муҳитнинг инқирозга учраши урбанизация ривожланиши, инсоният хўжалик фаолияти кўламларининг кескин кенгайиши, табиатга ўйламай-нетмай эҳтимолчилик муносабатида бўлиш оқибатида келиб чиқади.

Фавқулодда вазиятларда ҳаёт фаолият хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари ва усуллари.

Табиий офатлар, авариялар оқибатларини тугатиш, бу ишларни юритиш учун бошқарув органлари ва куч идораларини доимий ҳозирлигини таъминлаш, шунингдек тинчлик даврида фавқулодда вазиятларни олдини олиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш устидан назорат қилиш учун Ўзбекистон Президенти ҳузуридага фуқаролар мудофааси, фавқулодда вазиятлар ва табиий офатлар оқибатларини тугатиш ишлари бўйича Давлат комиссияси тузилган, халқ фавқулодда вазиятлар бўйича комиссиялар ташкил этилган.

Халқ хўжаликларининг барча объектларида (саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалар, ташкилотлар, ўқув юртлари) фуқаролар мудофааси уюштирилмоқда. Халқ хўжалик объекти раҳбари фуқаролар мудофааси бошлиғи саналади. У ўз объектида фуқаролар мудофаасини ташкил қилиши ҳамда кучлар ва воситаларнинг қутқарув ва бошқа кечиктирилмайдиган ишларни амалга оширишга доимо ҳозир туриши учун масъулдир.

Фавқулодда вазиятларда аҳоли ҳимояси самарадорлигига фавқулодда вазиятларида хавфсизликни таъминлаш ва барча воситалар ҳамда усуллардан серунум фойдаланиш тамойилларини онгли тарзда инобатга олиш асосида

эришиш мумкин. Фавқулодда вазиятларда аҳолини ҳимоялашнинг асосий тамойиллари қуйидагилар саналади:

- мамлакатнинг бутун ҳудудида мудофаа тадбирларига аввалдан тайёргарлик кўриш ва амалга ошириш. бу тамойил энг аввало инсонни хавfli ва зарарли омиллардан ҳимоялаш воситаларини йиғиш ва улардан фойдаланиш учун тайёр ҳолда туриш, шунингдек аҳолини ҳудудлардан хавфсиз жойга кўчириш юзасидан тадбирларгатайёргарлик ва амалга оширишни кўзда тутди;
- шу чора-тадбирларни ўтказиш характери, ҳажми ва муддатини аниқлашга даражаланган ёндашув. Дефференцияланган ёндашув ҳимоя тадбирлари характери ва ҳажми хавfli ва зарарли омиллар, шунингдек маҳаллий шароитлар манбалари турларига боғлиқ тарзда белгиланишида ўз ифодасини топади;
- вазиятнинг турли шароитларида инсон фаолиятининг брча соҳаларида хавфсиз ва соғлом шароит яратиш учун ҳимоя тадбирларини ўтказиш йиғиндиси. Мазкур тамойил турмуш муҳитнинг хавfli ва зарарли омилларининг ранг-баранглиги билан шартланиб, табиий офатлар, ишлаб чиқариш фожеа ва ҳалокатлари, шунингдек зарарланиш замонавий воситалари оқибатларидан ҳимояланиш услублари ва воситаларидан самарали қўлланилишидан иборат.

Маълумки, фавқулодда вазиятларда аҳолини ҳимоялаш вазифалари жамиятни ташкил қилишнинг турли даражаларида ҳал қилинади. Ҳимоялашнинг кўриб чиқилган тамойиллар асосан давлат органларига мансуб, улар ўзларининг амалий ишларида улардан фойдаланишлари керак. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашнинг энг паст даражасига тўхталадиган бўлсак, инсон энг аввало ўзи хавотирланиб, хавфлардан қутқариш ҳимоя қилиш чораларини кўради, ўз ҳаётини ҳимоя этишга қодир бўлиши керак.

Амалиётнинг гувоҳлик беришича, ҳар бир инсоннинг ўзини-ўзи қутқариш ҳимоя қилиш мумкин вазиятларда аҳолини ҳимоя қилиш бўйича

мустақил, ўз вақтида, тезкор ва тўғри ҳаракати натижасида умумий мақсадга эришиш шунинг учун яна бир тамойил, шахсий тамойилни ифодалаш мумкин- «Ўзингни қутқарсанг, бошқаларни қутқарган бўласан». Агар инсон қутқариш қутқаришга қодир бўлса ва мисол учун ўзига қандай биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни, табиий офатларда қандай тутиш керак, техноген фожеаларда инма қилмоқ зарурлигини билса, шунда у бошқаларга ибрат бўлиб, ёрдам бера олади. Фавқулодда вазиятлардаги ҳаракатларга тайёрланмаган инсонлар ўз ҳаётлари ва атрофдагилар ҳаётини хавфга солиб, ўзларининг ожизликлари, уюшмаганликлари билан вазиятни мураккаблаштирадilar. Ҳар бир фуқаро қутқариш, ўз оиласини ҳимоя қилиши ва бошқа инсонларга ёрдам бермоғи лозим. Шу қоидага амал қилсанг, нафақат ўзингни хавфсизлигингни таъминлаган, бошқаларни қутқарган бўласан, балки давлат (жамият) хизматлари, инсон ҳаётий фаолияти хавфсизлигини таъминловчи фуқаро мудофааси бўлинмалари, милиция, тез ёрдам персоналининг кейинги ҳаракатлари учун қулай шароитларни яратган бўласан.

Замонавий шароитда фавқулодда вазиятларда ҳаётий фаолият хавфсизлигига ҳимояланишнинг 3 асосий усулини жорий этувчи тадбирлар мажмуини амалга ошириш йўли билан эришилади;

- аҳолини хавфли ва зарарли омилларнинг ноқулай таъсир таваккали мавжуд жойлардан эвакуация қилиш;
- аҳоли томонидан индивидуал ҳимоя воситалари, шунингдек тиббий профилактика воситаларидан фойдаланиш;
- жамоа ҳимоя воситаларидан фойдаланиш.

Фавқулодда шароитларда аҳоли ҳаётий фаолият хавфсизлигини таъминлаш учун булар билан бир қаторда фавқулодда вазиятларда аҳолини ҳаракатларга ўқитиш, фавқулодда вазият хавфи ва ҳосил бўлиши тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш, сув, озик-овқат маҳсулотларини радиоактив, токсик ва бактериал моддалар билан заҳарланишнинг олдини олиш,

химоялаш, радиацион, кимёвий ва бактериологик, разведка, шунингдек дозиметрик ва лаборатория назорати; таваккал ҳудудларида аҳоли иш тартиби ва қутқариш иши талаб этиладиган профилактик ёнғинга қарши, эпидемияга қарши ва санитария-гигиена тадбирлари амалга оширилади;

- зарарланиш ўчоқларида қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишлар; инсонларга санитар ишлов бериш, модий воситалар кийим-кечаклар ва пойабзал, бинолар ва иншоотлардегазацияси, дезактивацияси ва дезинфекцияси амалга оширилади.

ХУЛОСА

Давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан замон талаблари асосида олдимизга қўйилаётган вазифалар ахборот-кутубхона хизматини янада сифатли такомиллаштириш, электрон кутубхона ишини ташкил этиш, улардан аҳолини кенг ва самарали фойдаланишини ташкил этиш келгусида шу соҳада фаолияти кўрсатишини лозим бўлган биз ёшлардан муаммал назарий ва амалий билим олишни талаб этмоқда. Электрон ресерслардан самарали фойдаланишни ташкил этишда ахборот-кутубхона муассасаларининг фаолиятини реклама қилувчи, ахборот-кутубхона ресерсларидан фойдаланиш самарасини оширувчи восита уларнинг web саҳифаларидир. Кейинги пайтда мамлакатимиз ахборот-кутубхона муассасаларида мультимедияли, анимацияли кутубхона сайтларини замон талабларини, фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишнинг сифат ва самарасини ошириш учун талабларни ҳисобга олган ҳолда яратиш мусобақаси бошланди. Уларнинг кўпчилиги қайсидир томони билан устун бўлса, бошқа томони билан ҳали қайта ишлашни, ўзгартиришни талаб этади. Шунинг учун мамлакатимизда мавжуд сайтларни таҳлил қилишга, ўрганиш билан бирга, келгусида яратилиши лозим бўлган дастурларни ишлатишнинг қулайлигига эътиборни қаратдик. Чунки, бу дастурларнинг қулайлиги шундан иборатки, маълумотлар базаси билан ишлаш осон, web саҳифа яратиш қулай дастурида маълумотлар базасини яратиш ва уларни тўлдириб бориш, чекланмаган миқдорда маълумот қўшиб бориш имконияти, маълумотлар билан ишлаш тезлиги катта, бошқа дастурлар билан осон боғланади ва улар билан ишлай олади. ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНинг АСОСИЙ КУТУБХОНАСИнинг Усмон Носир асарларига оид электрон кўринишидаги карточкалари ҳамда тўлиқ матнли маълумотлар базаси мавжуд эмас эди. Фойдаланувчиларга замон талабларига мос равишда тезкорлик билан етказиш ҳамда уларни электрон кўринишга ўтказиш вазифасини ушбу БМИда бажаришни асосий

мақсад қилиб олдим. Кутубхонанинг кейинги фаолияти давомида ушбу маълумотлар базаси Усмон Носир асарларига оид маълумотлар билан тўлдириб, бойитилиб, шаклланган кўринишига айланиб бораверади.

БМИда Усмон Носир асарларининг электрон каталоги маълумотлар базасини шакллантириш ғояси, қидирув алгоритми, маълумотлар киритиш алгоритми ишлаб чиқилди. БМИда Усмон Носир асарларининг электрон каталоги маълумотлар базасини шакллантириш функционал ва ташкилий тузилмаси ишлаб чиқилди ҳамда базанинг АРМАТ тизимида ишлатиш бўйича қўлланма берилди.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг тарихни қайта холисона ёзиш талаби қўйилди. Буюк бобокалонларимиз эса тарихнинг ажралмас қисми бўлиб мамкатимизнинг миллий кадриятлари, анъаналари, маънавияти, этник тузилиши каби халқнинг кўзгуси сифатида намоён бўлади. Бу эса ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тобланишида муҳим аҳамият касб этади. Мен яратган ушбу маълумотлар базаси ўзгарувчан ва тараққий этиб боровчи хусусиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир/ Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи.-2012.-8 декабр.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч / И.А.Каримов.- Ташкент.:Маънавият, 2009. -176с.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2011. –385б.
4. Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: № ЎРҚ - 280. 2011 й. 13 апр. // Халқ сўзи. – 2011. – 14 апр.
5. Ахборотлаштириш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Қонуни: 1993 йил 7 майда қабул қилинган // Халқ сўзи.- 1993.- 18 июнь.
6. “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг № 181 сонли Қарори. 2006 й.20 июнь // Халқ сўзи. – 2006. – 21 июнь.
7. “2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари асосида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматларини янада сифатли ривожлантириш чоралари тўғрисида”: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 й. 23 февр. 1487 - сонли Қарори // Kutubxona.Uz.- 2011. –№ 1. – Б. 3-4.
8. Компьютерлаштиришни ва ахборот-компьютер технологияларини тадбиқ этиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. № 3080 // Халқ сўзи.-2002. –30 май.
9. “Меҳнат муҳофазаси” қонуни Т.:1992 й.

10. Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилигини 20.08.1999й.№824-1”Аҳолини табиий ва техноген характердаги фавқулотдаги вазиятларда ҳимоялаш”.
- 11.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан 1996 й 11.04.№ 143 “Ўзбекистон Республикасида фавқулотдаги вазиятларни олдини олиш бўйича Вазирликлар томонидан ишларни ташкиллаштириш”.
- 12.Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 1997 й 23.12. № 558 “Ўз.Рес.ФВ вазифалари ва давлат тизимидаги огоҳлантиришлар”
- 13.<http://www.school-collection.edu.ru/catalog/>
- 14.http://www.couo.ru/document_print.asp?document_id=170715
- 15.<http://window.edu.ru/>
- 16.<http://www.iqlib.ru/search/result.visp.html>
- 17.www.morb.ru/activity/inform/int/katalog.doc
- 18.<http://www.gpntb.ru/libcom13/doc/004.pdf>
- 19.<http://top.msu.ru/>
- 20.<http://www.msu.ru/resources/> sayti
- 21.<http://lib.mexmat.ru/> sayti
- 22.<http://www.km.ru/>
- 23.old.kpfu.ru/fpk/docs.html
- 24.<http://akmx.uz/?p=2172&lang=uz>